

ИШОНЧ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг газетаси

4
1995 йил 27 январь (198)

ҲАФТАНИНГ МУХИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов машҳур ганчкор уста, Ўзбекистон халқ рассоми, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳмуд ота Усмоновнинг 85 ёшга тўлганлиги муносабати билан кутлаб унга табрикнома йўллади.

● **МАМЛАКАТИМИЗГА** ташриф буюрган Германиянинг "Тиссен" Хандельсунион АГ" концерни бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер бошчилигидаги мазкур концерн вакиллари Президент Ислам Каримов қабул қилди ва ҳар икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, келгуси режаларни амалга оширишда қулай шарт-шароитларни яратиш катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

● **ТОШКЕНТДА** галла етиштиришни кўпайтириш ва хўжаликларни келгуси йил ҳосили учун сифатли уруғ билан таъминлаш чора-тадбирлари бағишланган республика семинари-кенгаши бўлиб ўтди. Йиғилишда бу йил сугориладиган ерлардаги бошоқли дон экинлари 972 миң гектарга етказилиши, 1996 йилда эса 1 миллион 300 миң гектар сугориладиган майдонга галла экиш режалаштирилганлигини таъкидлашди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган кунга бир йил бўлди. Бу Фармоннинг амалий натижалари тадбиркорларнинг рўёбга чиқараётган ишларида ўз аксини топмоқда.

● **НАМАНГАНДА** халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди. Сессия иштирокчилари бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар.

Сессияда депутатлар Президент Ислам Каримов халқ депутатлари Навоий ва Тошкент вилоят кенгашларининг сессияларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида сўзлаган нутқида қайд этилган нуқсон ва муаммолар Наманганда ҳам мавжудлигини таъкидлашди. Уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

● **ЖИЗЗАХ ВА АНДИЖОН** халқ депутатлари вилоят кенгашларининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурда шу йил 18 январь кунини бўлиб ўтган мажлисида Президент Ислам Каримов нутқида баён этилган вазифалар муҳокама қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Биолог" илмий ишлаб чиқариш биришмаси лабораториясининг илмий маслаҳатчиси Викториа Артемовна Руми "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонига, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кўлемлар институтининг етакчи илмий ходими Ҳафиз Шохамедович Абдусаматов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлигига сазовор бўлдилар.

Бугунги сонда:

2-3-бетлар
Ҳисобот—
сайловлар

5-бет
Одавийлик
сабоқлари

6-бет
Ёшлар
саҳифаси



Самарқанддаги "Азиз" ҳиссадорлик жамияти тикувчиси Шаҳноза Қодирова ёш бўлишига қарамай жамоа ҳурматида сазовор бўлганлардан. У тикаётган маҳсулотлар харидордир ва сифати юқори баҳоланган.

Даврон АХМАД олган сурат.

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

"Ишонч" мухбирлари хабар қиладилар:

РЕСПУБЛИКА касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг сўнгги мажлисида жойлардаги касба уюшма фаолларининг ўқуви тўхтаб қолганлиги танқид қилиниб, ўқишни йўлга қўйиш, кадрлар маҳоратини ошириш ҳақида гап борганди. Бундан тегишли хулоса чиқарган Тошкент вилояти деҳқончилик-санояти мажмуи ходимлари касба уюшмаси кўмитаси ўқуви йўлга қўйиш ҳақида фаоллар фикрини ўрганиб чиқди. Дастлаб туман хўжалик ва корхоналаридаги ҳисобот-сайлов мажлисларида янгидан сайланган кўмита раисларини ўқитиш тақдирини билдиришди. Янгидан сайланган кўмита раислари рўйхатга олиниб, туманлар бўйича гуруҳларга бўлинди. Уқитишнинг кун тартибига "Касба уюшма ишлари режалаштириш", "Жамоа шартномаси ва меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш", "Касба уюшма кўмиталарининг молиявий ишлари", "Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини янада яхшилашда касба уюшмаси кўмиталарининг роли" каби масалалар киритилди. Ўқув хонаси касба уюшмаси кўмитасининг қуни бўғинига доир кўргазмалар қуроллар билан қайтадан жиҳозланди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир кинолавлар тайёрланди. Кўни кеча кўмита раҳбарлари, бўлим мудирлари, мутахассислар ўз соҳалари бўйича тингловчилар олдида сўзга чиқишди. Улар орасида Л. П. Яковлева, Т. Зокиров каби бўлим мудирлари дарсларни пухта ўтишди.

Уқитишнинг биринчи кунда Юқори Чирчиқ, Куйи Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз, Оққўрғон туманларида касба уюшма кўмитаси етакчилигида сайланганлар кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалашга доир масалаларни ўрганишди.

Иккинчи кун Бўка, Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон туманларидаги касба уюшма фаоллари маҳоратларини оширишга киришдилар.

Оҳангарон туман деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касба кўмита раиси Маҳмадҷон Эшматов, шу тумандаги "Ғаллақудук" давлат хўжалиги касба уюшмаси кўмитаси раиси Е. Н. Куприн, Бўка тумани деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари Тўхтамурад Иброҳимов ва бошқалар ўтилган мавзуларни ўзлаштириш бўйича фаол қатнашдилар.

Шу кунларда вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касба уюшма кўмитаси тармоқ касба уюшма фаолларининг бир ҳафталик кенгайтирилган ўқуви ўтказилишига тайёргарлик кўрилмақда.

МЕҲНАТ қонунларига риоя этишда адолатсизликнинг олдини олиш ниятида Фарғона вилоят касба уюшмалари Кенгаши қошида ўқув маркази ташкил этилди. Бу ерда барча корхоналар, хўжаликлар раҳбарлари, касба уюшма фаоллари навбат билан ҳуқуқий билимлардан, янги қонун-қондалардан сабоқ оладилар.

ЖИЗЗАХ шаҳар маданият ходимлари касба уюшма кенгашининг навбатдаги мажлисида ташкилий масала кўрилди. Оля Шелбағашева вилоят ҳудудидан кетганлиги сабабли Жиззах шаҳар маданият ходимлари касба уюшма кенгашининг раиси вазифасидан озод қилинди. Журналист Р. Сигбатулин маданият ходимлари Жиззах шаҳар касба уюшмаси кенгашининг раиси этиб сайланди.

ШУ КУНЛАРДА Ўзбекистон касба уюшмаларининг бўлажак қурултойига жойларда қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Юқори касба уюшмаларида бўлиб ўтаётган ҳисобот сайловлар яқинда паллага кирди. Уларда бозор иқтисодиёти тамойилларига бошқичма-бошқич ўтиш шароитида касба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, меҳнаткашлар манфаатларини фидолашчи амалий ҳаракатлар таъсирчанлиги ва самардорлигини янада ошириш йўллари изланмоқда. Шу билан бирга хўжалик ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик битимлари ҳамда жамоа шартномаларининг бажарилиши сарҳисоб қилиниб, янги режалар белгиланмоқда. Шу муносабат билан "Ишонч"нинг махсус мухбири Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Республика Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Тўғлқин СОБИТОВ билан суҳбатлашди.

— Тўғлқин Ҳамидович, авваломбор, кўп миллионли тармоқ касба уюшмаси аъзоларининг ишлари янги 1995 йилда янада раванқ топиб, ривожланишига тилакдошимиз. Шу билан бирга бугун ўтказилаётган Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмасининг II қурултойи ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Биз қурултойга ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик билан келдик. Жойларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайловлар, уларда кўтарилган долзарб масалалар, ечимини кутаётган муаммолар ишларимизни янада ривожлантириш вазифасини қўймоқда. Бугунги қурултойимизда 400 нафарга яқин киши қатнашмоқда, улардан 321 нафари сайланган вакиллар. Таклиф қилинганлар орасида давлат идоралари, Агросаноат мажмуи тизимига кирувчи вазирликлар, корпорациялар, концернлар, бирлашмалар раҳбарлари бор. Шунингдек, жамоа ва деҳқон хўжаликлари аъзолари, озик-овқат, мева-сабзавот, балиқчилик, ўрмон хўжалик, қишлоқ қурувчилари, сув хўжалиги ходимлари, қишлоқ хўжалиги таъминоти, ўқув юртлари, кўйинги, ушбу тизим тасарруфидаги барча соҳа вакиллари иштирок этмоқдалар.

— Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш тармоқ касба уюшмасининг асосий фаолиятларида бирдир. Бу борада тармоқда қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Авваломбор, шунингдек керакки, биз барча фаолиятимизни

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси "Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари

ҲАМКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлари асосида олиб бормоқдамиз. Агросаноат мажмуида ишловчиларни, уларнинг оила аъзоларини, ҳозирги иқтисодий танглик даврида, манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни эса биринчи навбатдаги вазифамиз деб биламиз.

Бу ишларни амалга ошириш бўйича асосий қурултойи жамоа шартномалари ва битимларидир. Маъмурий ва касба уюшмаси кўмиталари ўртасида тузилган бу ҳужжатлар ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасидаги ҳамма чоратadbирларни ўз ичига жамлаб олган.

Марказий Кўмита Агросаноат мажмуида кирадиган вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, концерн ва бирлашмалар билан ҳар йили иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича битимлар тузади. Бундан мақсад меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик касба уюшмаси органларининг хатти-ҳара-

катларини бирлаштириш, уларни ўзаро мувофиқлаштириб боришдан иборат. Тизимимизга кирувчи туман, шаҳар, вилоят касба уюшмалари кўмиталарига тегишли хўжалик ташкилотлари билан туманларда, вилоятларда иқтисодий-ижтимоий масалаларда битимлар тузишни ҳам тавсия қилганмиз. Кенгайтирилган раёсатларимизда жойлар ва тармоқларда ижтимоий ва иқтисодий ҳисоботларини эшитамиз. Масалан, ҳисобот даврида "Ўздонмаҳсулотлари" ва "Ўзсувхўжаликқурилиш" тармоқларининг бу борадаги ишларини пухта ўрганиб тегишли қарор қабул қилдик.

Барча касба уюшма кўмиталари фаолиятида меҳнатни муҳофаза қилишга жиддий эътибор берил-

йларда тармоғимиз меҳнаткашларидан 620 миң киши даволанди, 174 миңга яқин парҳезили таомлар билан таъминланди. Ундан ташқари шу давр ичида ҳаммаси бўлиб 1 миллион 300 миңдан ортиқ бола соғломлаштирилди. Тармоқ касба уюшмаси кўмиталарига Республика бўйича 7 миңдан ортиқ арза тушиб, 25400 га яқин киши қабул қилинган, 1158 киши ўз иши жойига тикланган.

Марказий Кўмитамиз меҳнат муСОБАҚАСИГА ҳам ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда, ижодий ёндошаётир. Бунга мисоллар жуда кўп.

— Тўғлқин Ҳамидович, сўнгги пайларда касба уюшмаси ҳара-катида баъзи жузий ҳолатлар сезилляпти, яъни рақобатлик, молия интизомига риоя қилмаслик ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бу тўғридаги фикрингиз.

— Тўғри, бундай ҳолатлар республика касба уюшмаси ҳаракатида сезилмоқда. Бундай ҳолат касба уюшма органларининг барча бўғинларида иш ҳақи, тизим ва шатлар масаласида чалқашликлар келтириб чиқаради. Айрим касба уюшма ташкилотларида иш ҳақини ўзбошимчилик билан ошириш, янги шатлар жорий қилиш, маъмурий хўжалик ва ташкилий сарф-ҳаражатларнинг кескин ортиб кетишига йўл қўйишлар кучайди.

Умуман, касба уюшмамиз ҳаётида рўй бераётган жараёнлар мазму-нини бугунги кунда қайтадан кўриб чиқишга тўғри келаётир. Ўринсиз шатлар жорий этиш, молия интизо-мини ва асоссиз касба уюшмаси тизимларини бузиш ҳақида Марказий Кўмитамиз, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашига кўплаб шикоятларнинг тушишига сабаб бўлмоқда.

Шуни ҳам айтишим керакки, бугун қурултойимиз вакиллари тақдим этилган касба уюшмасининг янги ҳаракат Дастури ва Низоми лойиҳаларига киритилиши мўлжалланган ўзгаришлар ҳақида ҳужжатлар тарқатиб уларнинг розилигини олмақчимиз.

Қисқаси, ҳозирги кунда бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврида бизга ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик, бирлик, ҳурмат керак.

— Салимий суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош Акмал АКРОМОВ.

ДАСТУР ВА НИЗОМ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Истиқлолимизнинг ҳаётбахш эпкинни ҳар бир соҳада ўз аксини топмоқда. Унинг самаралари узоқ йиллар давомида мустабид тузум сиёсатини маъқуллашдан нарига ўтмаган касаба уюшмалари фаолиятига туртки бўлганлигини, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш учун катта шарт-шароитлар яратилганлигини кўриб турибмиз. Бу Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг

ШАХСИЙ ФИКРИМ

Низоми лойиҳаси эълон қилинганлигида ҳам ўз исботини топмоқда. Шу нарса кишини қувонтирадики, янги Низом лойиҳасининг бошдан охиригача касаба уюшмаларининг бош ва зифаси — фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш асосий йўналиш сифатида сингдирилган.

Мен мазкур лойиҳаларни гоётада синчиклаб ўқиб-ўрганиб чиқдим ва кўмитамиз аъзолари билан муҳокама қилдик. Ҳайдовчиларимиз, таъмирловчиларимиз, инженер-техник ходим-

ларимизнинг яқдил фикри шуки, Низом лойиҳасида ҳалқимизнинг ўзига хос миллий руҳи, мустақилликни мустаҳкамлаш соҳасидаги кураш ва интилишлари, орзу ва ўйлари эътиборга олинган. Бироқ, касаба уюшмаларининг маблағлари ва мулклари хусусида фикр юритилган 8-бобда ноаниқликлар мавжуд. 3-бандда "касаба уюшмалари ўз маблағларидан фаолиятларини таъминлаш учун

фойдаланадилар ва уларни тасдиқланган бюджетларга биноан сарфлайдилар" дейилишида ушбу маблағнинг шу мақсад учун неча фоизи ажратилиши аниқ кўрсатилмаган. Бу эса касаба уюшма фаолларига маош белгилашда бурмунча қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин.

Абдулбори ХОЛМИРЗАЕВ,
Наманган шаҳридаги II-автосарой
бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси.

ПУХТАЛИККА ЭРИШАЙЛИК

Мазкур Дастур ва Низом лойиҳалари жаҳондаги энг илгор касаба уюшмалари тажрибасига монанд тушган. Шундай бўлса ҳам баъзи ўринларни ҳаётга яқинлаштириш, айрим фикрларни янада тиниқлаштириш фойдадан ҳоли бўлмас. Муҳокамага тақдим қилинган Дастур лойиҳасида баъзи бир масалалар эътибордан четда қолган-ки, ўрни келганда, уларни кўрсатмаслик мумкин

эмас. Ҳозирги даврда нархлар индексацияси билан иш ҳақи ўртасида узиллишлар юз бериб, айрим муассаса, корхоналарда иш ҳақи, баъзи жойларда нафақалар тарқатиш оилаб кечиктирилаяпти. Маҳаллий раҳбарлар ва мансабдор шахслар томонидан амалдаги қонунлар айниқса, меҳнат муҳофазасига доир қонуннинг тўлиқ бажарилмаслик ҳоллари давом қилаётганига қарамай, айбдорларга нисбатан талаб-

чанлик кучайтирилмаётир. Натижада ёрдамга муҳтожлар, баъзи меҳнаткашлар ҳам жабр кўришмоқда. Худди шу хил муаммоларни ҳал қилиш масаласи ҳам янги Дастурда ўз ифодасини топса, айни муддао эди.

Г. ОЛЕСКО,
Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳуқуқий ишлар бўлимининг мудири.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик энгил саноат тармоғида ҳам жуда кўл келаяпти. Мазкур соҳа меҳнаткашлари ишлаётган корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилганлигидан, ҳиссадорлик жамиятларига айланаётганидан ҳар томонлама катта манфаат бор. Яқинда бўлиб ўтган энгил саноат ходимлари касаба уюшмасининг II курултойида ҳам бу масала алоҳида тилга олинди. Тармоқ касаба уюшма Марказий Кўмитаси раиси Т. Мурсалиева маъруза қилиб, ҳисобот давридаги ишлар якунини тавсифлаб берди.

— Республика иқтисодиётида энгил саноат тармоғи етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, — деди маърузачи. — У дурустгина хомаше базасига эга эканлигига қарамай, Иттифокнинг парчаланиши корхоналар ишига ўз таъсирини кўрсатди. Тармоқнинг четта қарамлигига барҳам бериш учун ўтган 4 йил ичида қатор саноат иншоотлари бунёд этилди. Халқ истеъмоли моллари бозорини бойитди. Ўтган йили 1993 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсish суръати 105,2 фоизни ташкил этди. Йиллик режага қўшимча 656 минг кв. метр ип-газлама, 5 миллион сўмлик кийим-кечак, 12 миллион сўмлик трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилди.

Ижтимоий муҳофазани амалга оширишнинг асосий механизми битимлардир. Касаба уюшма Марказий Кўмитаси 4 йилдан буён "Ўзбекенгилсаноат" ассоциацияси билан шундай битимлар тузиб келмоқда.

Марказқўм касаба уюшма кўмита раислари кенгашлари, вилоят касаба уюшмалари кўмиталари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янги давр талабларини бажаришга йўналтириш билан жамоа шартномаларининг аниқ бўлишига эришди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришлари ҳам касаба уюшма кўмиталарининг фаол иштирокчида ўтди. Касаба уюшмалари ташкилотлари деярли барча ҳиссадорлик жамиятлари бошқарувига аъзо бўлиб кирдилар.

Ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим қисми иш ҳақи ҳисобланади. Бозор шароитида иш ҳақи меҳнат кишини ишончли ҳимоялаш воситасидир. Республикада энг кам маош 100 сўм бўлгани ҳолда энгил саноат корхоналарида 167 сўмни ташкил этаётир. Аммо аҳвол ҳамма жойда бир хил эмас. Марказқўм ҳисобот даврида тармоқ корхоналаридаги иш ҳақи даражасини бир неча бор таҳлил этди, мукофотлашнинг амалдаги тизимини ўрганди. Камчиликларни тугатишга эришди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга тўлов тўлашда узиллишлар содир бўлаётганлиги ва нақд пулнинг йўқлиги туфайли тармоқ корхоналарида иш ҳақи тўлаш кечиктирилаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Шунинг учун бу масалада қонун бузилиш ҳолларига қарши қаттиқ курашиш керак...

Маърузачи ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим воситаларидан бири меҳнат муҳофазаси эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Ҳисобот даврида техника назирлари корхона, цех ва шахобчаларни 1700 марта текшириб, 21 мингдан ортиқ қонун-қондалар бузиллишларига йўл қўйилганини аниқладилар, уларнинг 80 фоизини эса бартараф этдилар. 70 та цех ва шахобчани, 800 дастгоҳ, машина ва ускуналари хавфсизликка зидлик учун тўхтатиб қўйилди. "Меҳнатни муҳофаза этиш тўғрисида"ги қонун асосида бундан 2 йил олдин тузилган кўнгилли сугурта жамияти бу соҳада катта роль ўйнамоқда. Бу жамиятта ҳозиргача 100 га яқин корхона аъзо бўлиб

кирган. Жамият ногирон ва касб касаллигига чалинганларни ҳимоясига олмақда. Тармоқда 23 та санаторий-профилакторий, 11 та тиббий санитария бўлими, 148 та саломатлик ва тиббий хизмат пунктлари ишлаб турибди. Ҳисобот даврида 76 минг меҳнатчи ва уларнинг оила аъзолари ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Маърузачи ўз сафига 300 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган 185 бошланғич касаба уюшма ташкилоти тармоқ меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар ҳисобот даври тахлилини тўлдириш билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

И. КАРИМОВ — Очиқ турдаги "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Жамиятимизда 18 минг киши ишлайди. 5 йил ичида 25 миллион долларлик чет эл ускуналари ўрнатилди, маҳсулот ишлаб чиқаришда жаҳон меъёр бирлигига эришдик. Ютуқларимиз кўп. Лекин ишимизга ҳалал бераётган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, иш ҳақидан солиқ олиш ортиб кетди. 2-йигирув-тўқув фабрикаси ишчи-сининг ўтган йили июнь ойида олган 674 сўм маошдан 122 сўм, яъни 18 фоизи ушлаб қолинган. Маош кўпайиши билан солиқ ошиб бориш ҳажмида қатъий аниқлик бўлиши керак.

Ш. РАҲИМОВА — Самарқанд вилояти тармоқ касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида ишчиларни махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда қийинчиликлар рўй бераёпти. Оддий бўз, читдан уларни ўзимизда тикиб олаёلمиз. Лекин резина қопламли мураккаб матодан тикилган кислота ва ишқорларга бардош берадиган халат, комбинзон, оловга чидамли бризент куртка ва шимлар, резина ва керза этикларни топшиш муаммоси ҳал этилмаётган. Бунда Марказқўм ва "Ўзбекенгилсаноат" ассоциациясидан кўмак сўраймиз.

Курултойда тафтиш комиссияси раиси Р. Омурзоқованинг ҳисоботи ҳам тингланди.

Қабул қилинган қарорда тармоқ касаба уюшма Марказий Кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи, тармоқ касаба уюшмасининг ҳаракат Дастури, Марказқўм аъзоси ҳамда тафтиш комиссияси ҳақидаги Низомлар тасдиқланди.

Вакиллар Марказий Кўмита аъзолари, тафтиш комиссиясининг таркибини ва Ўзбекистон касаба уюшмалари XV курултойига делегатларни сайладилар. Курултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Қ. М. Рафиқов, "Ўзбекенгилсаноат" ассоциацияси раиси У. Қ. Исмоилов нутқ сўзладилар.

Янги Марказқўм мажлисида ташкилий масалалар ҳам кўрилиб, Тамара Бабановна Мурсалиева Марказий Кўмита раислигига қайта сайланди.

Тожибой АЛИМОВ,
"Ишонч" муҳбири.

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

С. ТОЖИБОЕВ — Галлаорол тумани агро-таъминот бошқармаси касаба уюшмаси раиси:


— Мен касаба уюшмалари Дастурига қатъий қилиб: "Бошланғич ташкилотларда 60 фоиз маблағни қолдириш" ва "Бошланғич касаба уюшмалари ходимларига иш ҳақи белгилаш касаба уюшма йиғилиши руҳсатига биноан амалга оширилиши"ни ёзиб қўйилишини таклиф қиламан.

О. САИДОВ — Жиззах вилояти тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши раиси:

— Низомнинг 8-бандидаги 2-бўлимнинг иккинчи хат бошида "Ишламайдиган нафақачилар, вақтинча ишни тўхтатган шахслар белгиланган энг кам иш ҳақининг бир фоизи миқдорида бадал тўлайдилар" дейилган. Шу гап "Ишламайдиган нафақачилар, вақтинча ишни тўхтатган шахслар белгиланган, энг кам иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида бадал тўлайдилар", деган жумлалар билан ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Р. БУРХОНОВ — Пахтакор туманидаги "Навбахор" хўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси:

— Низомнинг 8-5 бандида "Федерация Марказий кенгаши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги касаба уюшмалари мол-мулкнинг тўла ваколатли эгаси ҳисобланади" — дейилган. Ушбу жумла "Ўзбекистон Республикаси туман, шаҳар, вилоятлар ва Марказий касаба уюшмалари ҳисобидаги мол-мулкларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ваколатли эгаси бўлади" деб езилгани мақсадга мувофиқ бўларди.



1955 ЙИЛ, 5 ДЕКАБРЬ. Республика касаба уюшмаларининг 60 клуби ва маданият саройларида илмий-оммабоп, техника ва курилиш бўйича ўқув фильмларининг кинофестиваллари бошланиб, 1956 йилнинг 15 январигача давом этди.

1955 ЙИЛ. Ўзбекистон касаба уюшмалари бу даврга келиб 265 маданият саройи ва клублари, бир миллион уч юз минг китоб жамғармасига эга бўлган 255 кутубхона, 384 радио шоҳобчалари, 226 киноқўрсатиш аппаратлари, 35 мингдан ортиқ киши қатнашадиган 1600 турли бандий ҳаваскорлик тўғараклари, 11 кўнгилли спорт жамиятларининг республика кенгашлари, 58 МАРТ аъзосига эга бўлган 847 физкультура жамоалари, 95 пионер лагерларига бошчилик қилар эди.

1956 ЙИЛ, 1 ЯНВАРЬ. Бу даврга келиб, республикада касаба уюшмаларининг аъзолари 928764 нафарга етган ёки ишловчиларнинг 88,9 фоизини ташкил қилар эди.

1956 ЙИЛ, 1 ЯНВАРЬ — 1 МАЙ. Давлат хўжаликлари ва МТС ларнинг касаба уюшмалари клубларида қишлоқ хўжалиги ҳаётига бағишланган фильмлар кинофестивали ўтказилди.

1956 ЙИЛ, 29—30 МАРТ. Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг тўртинчи уюшмаларо конференцияси бўлиб ўтди. Конференция барча касаба уюшмалари зиммасига ишлаб чиқариш режаларини бажариш ва ошириб бажариш, илгор меҳнат тажрибаларини кенг тарғиб қилиш мусобақаларни ўтказишни кучайтириш вазифаларини юкледи.

1956 ЙИЛ, 18 — 19 АПРЕЛЬ. Касаба уюшмалари ташаббуси билан Тошкентда иккинчи республика илмий-ишлаб чиқариш конференцияси ўтказилди. Конференцияда машинасозлар корхоналарининг илгор тажрибалари оммалаштирилди.

1956 ЙИЛ, ДЕКАБРЬ. Тошкентда маданият муассасалар касаба уюшмаларининг илгор тажрибаларини такомиллаштиришга бағишланган республика йиғини бўлиб ўтди. Йиғинда тўқимачилик маданият саройи, Чирчиқ электрокомбинат клуби, 1-Тошкент пойабзал фабрикаси кутубхонаси раҳбарлари ўз тажрибалари билан ўртоқладилар.

1957 ЙИЛ. Бу даврга келиб республика касаба уюшмалари раҳбарлигида илмий-техника жамияти ишлаб турар эди.

1958 ЙИЛ, 12 МАРТ. Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши республика ихтирочи ва рационализаторлари жамиятининг ташкилий кўмиталари мажмуини тасдиқлади. Шунингдек, Бутуниттифок ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг Ўзбекистон кенгаши ҳам тузилди. Уша йилнинг охирига келиб ўз сафига 17 минг кишини бирлаштирган 400 нафар ихтирочилик ва рационализаторлик жамоаларининг бошланғич ташкилотлари фаолият юргизар эди.

1958 ЙИЛ, 30—31 МАЙ. Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг бешинчи курултойи қақирилди. Курултой республикада олтинчи беш йиллик режаларини муддатидан олдин бажариш бўйича олиб борилган мусобақаларга яқун ясади.

1958 ЙИЛ, ДЕКАБРЬ. Республика жамоа хўжаликларида касаба уюшмалари гуруҳларини ташкил қилиш охирига етди, бу гуруҳлар 1964 йилга келиб, касаба уюшма кўмиталари раҳбарлик қилувчи бошланғич ташкилотларга айлантирилди.

1958 ЙИЛ. Республика касаба уюшмалари бутун йил давомида 1971 саноат корхоналарида ишлаб чиқариш йиғилишларини доимий ўтказиб турилишини жорий қилдилар.

ВИЛОЯТ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудуддаги экологик вазият йил сайин мураккаблаша бораётганлиги сир эмас. Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг бу ҳудудда яшаётган аҳоли турмуш тарзини яхшилаш бўйича қўраётган тadbирлари қорақалпоқ халқларига мадад бўлаётди. Айниқса, республикамиз Президентининг аҳоли ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони катта ҳажмдаги ишларнинг амалга ошишига замин яратди. Туямўйин — Нукус сув қувури орқали ичимлик суви барча шаҳар ва туманларга етиб бормоқда. Хонадонларга табиий газ ўтказиш жадал давом этляпти.

Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшмалари кенгашининг XXI конференциясида ана шундай тadbирлар мамнуният билан қайд этилди. Иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиш суръатлари миқёслари, натижалари хусусида баҳсли фикрлар билдирилди. Шу ўринда Нукус шаҳридаги "Гўзал" жамоа корхонаси раҳбари Т. Жолоева музокарада сўзга чиқиб, хусусийлаштирилган корхонанинг муҳим жиҳатлари ҳақида гапирди.

Ортимизда содир бўлаётган иқтисодий — ижтимоий ўзгаришлар касба уюшмалари фаолиятига ҳам янги йўналишлар, мавзуларни киритмоғи лозим. Бугун жамиятда тadbиркорлик кенг қўллаб-қувватланяпти. Хўш, касба уюшма ташкилотлари фаолиятида тadbиркорлик қай даражада амалга ошяпти? Фақат турли қозғозлик тadbирлари билан банд бўлиб, идораларда ўтириб, халқ дardига малҳам топа оляптиларми? Бундай муаммолар конференция қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшмалари кенгаши раиси Б. А. Юсупова ҳисобот маърузасида касба уюшмалари фаолиятини очиб беришга ҳаракат қилинди. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга касба уюшма ташкилотлари бeфapқ қарамаётганлигини далиллар асосида таърифлади.

Кейинги уч йил ичида 1660 дан ошқан корхона, хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида мулкчилик шакли ўзгарди. 1463 та кичик корхона ва кооперативлар ишлаб турибди. Уларда 14 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда.

123 чорвачилик фермаси жамоа мулкига айлантирилди, 1500 дан зиёд деҳқон-фермер хўжаликларида 4 мингга яқин одам ишлаяпти. Уларга 27 минг гектар ер ажратиб берилган.

Касба уюшма ташкилотлари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашда жамоа шартномалари имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилляптилар. Бир қатор корхона ва хўжаликларда жамоа шартномаларига меҳнаткашлар учун қўшимча имтиёزلарни жорий этиш кўзда тутилган. Лекин жамоа шартномаларини фақат қозғозлик учун тузаётган жамоалар ҳам учраяпти. Уларга бажариш имкони бўлмаган моддалар киритилляпти. Коммунал хўжалиги, маиший хизмат ва маҳаллий саноат ходимлари касба уюшмаси республика кўмитасида шундай аҳволга йўл қўйди. Ҳатто айрим жойларда жамоа шартномалари йил сайин ўзгартирилмасдан кўчириб қўйлаверди. Нукус гўшт комбинати, Кўнгирот қурилиш материаллари корхонаси, Беруний тумани маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва бошқа корхоналарда ана шундай камчиликларга йўл қўйилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш қийин муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Қорақалпоғистон республикаси бўйича ҳар йили аҳоли 30—35 минг кишига кўпайиб, меҳнат ресурслари 13—13,5 мингга ортмоқда.

Айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида ишчилар бир неча ойлаб иш ҳақи тўланмайдиган таътилга чиқариб юборилмоқда. Мўйноқ балик-консерва комбинатида икки ой мобайнида ишчилар бекор юрдилар. Касба уюшмалари давлат идоралари билан ҳамкорликда бу каби муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишяпти.

Ижтимоий ҳимоя тadbирларини маблағ етишмаяпти, деб бажармаслик ҳоллари кўпайиб бораётганлиги конференцияда алоҳида қайд этилди. Масалан, болалар боғчалари, спорт иншоотлари, клублар етилиб қолмоқда. Кейинги уч йилда 85 та болалар боғчаси маблағ йўқ, деган баҳона билан ёпиб қўйилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тadbирлари ҳам касба уюшма ташкилотлари фаолиятида асосий ўрин эгалляпти. Ҳисобот даврида бу борада 63 мингдан зиёд камчилик аниқланиб, 2400 механизм-ускуна, машиналар тўхтатиб қўйилган. Техника хавфсизлиги қондалари бузилган, 340 корхона раҳбарига жарима солинган, 120 раҳбар касба уюшмалари талаби билан ишдан озод этилган.

Хозир 9 санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Ҳисобот даврида 2 та санаторий-профилакторий ишга туширилди. Чимбойдаги шифобахш сув базасида 75 ўринли санаторий қурилиши давом этмоқда.

Конференцияда касба уюшмаларининг ташкилий тизими ҳақида ҳам гап борди. 10 республика тармоқ кўмитаси, 38 шаҳар ва туман кўмиталари, 2718 бошланғич ташкилотлар ишлаб турибди, улар сафида 400 минг нафардан зиёд аъзо бор. Касба уюшма ташкилотлари фаолиятида хали анча камчиликлар мавжудлиги ҳам таъкидланди.

Музокарада сўзга чиққанлар фойдали танқидий мулоҳазалари, амалий таклифлари билан ҳисобот маърузасини тўлгазилди. Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Қорақалпоғистон Республика кўмитаси раиси Т. Нуриддинов касба уюшма ташкилотларидаги расмиётчилик ва қозғозликни танқид қилди. Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат вазири М. Сентиниев, 166-қурилиш трести бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси И. Ғойипова ижтимоий ҳимоялаш, ишчи кучларидан фойдаланиш, меҳнатни муҳофазалаш масалалари хусусида гапирдилар.

Эллиқалъа тумани ҳокими А. Тожиев маҳаллий бошқарув органлари ва касба уюшмаларининг ҳамкорлиги, меҳнаткашларни соғломлаштириш, тadbиркорликни ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишларга тўхталди, ўқувчиларнинг дам олишини яхшилаш юзасидан амалий таклиф киритди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Х. Б. Жамолов конференцияда қатнашиб, нутқ сўзлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси У. Аширбеков касба уюшмалари ва маҳаллий бошқарув органлари олдига турган вазифалар хусусида нутқ сўзлади.

Конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Р. Йўлдошев кўпчилиكنи қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Конференция қатнашчилари Б. А. Юсуповани Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшмалари кенгаши раиси, Б. М. Нуриддиновни биринчи ўринбосари, Ф. Утемуродовни раис ўринбосари қилиб сайлашди.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шихназар АХМЕДОВ,
"Ишонч"нинг махсус мухбири.

ЖИЗЗАХ

Вилоят касба уюшмаларининг VIII уюшмалараро анжуманида касба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Ислам Хушиев "Касба уюшмалари вилоят кенгашининг VII анжуманидан сўнг қилинган ишлар юзасидан ҳисоботи ва турли тарздаги иқтисодий ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида касба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш тadbирлари тўғрисида" маъруза қилди.

— Касба уюшмалари Жиззах вилоят кенгаши 1991 йилдан буён вилоят ҳокимлиги билан ўз муносабатларини икки томонлама Битимлар тузиш орқали олиб бормоқда, — деди касба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Ислам Хушиев ҳисобот маърузасида жумладан. Битимлардаги асосий масалалар меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилишга қаратилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ишсизлиكنи келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ижтимоий-иқтисодий ҳимоянинг бош мезони ишга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлашдан иборатдир. Ана шу мақсадда вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида, касба уюшмалари вилоят кенгаши, туман ҳокимлари, вилоят меҳнат биржаси ҳамкорликда бандлик Дастури тузилган. Шу асосда қўшимча иш жойлари барпо қилишга катта эътибор берилляпти.

Ҳисобот даврида 16,5 мингдан ошдиқ қўшимча иш жойлари ташкил этилди. Шу жумладан, 427 та кичик корхоналарда 10 минг киши фаолият кўрсатмоқда. Давлат корхоналари билан бир қаторда нодавлат корхоналари, фирма ассоциацияси ва ҳиссадорлик жамоалари ҳам қўшимча иш жойлари яратиб, вилоят аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашга ҳиссаларини қўшишяпти.

Биргина "Сўғдиёна" ишлаб чиқариш-савдо фирмаси ҳисобот даврида 1500 иш жойларини ташкил этди. Йил охиригача бу ердаги ишчи ўринлари 2 мингга етказилди.

Жамоа шартномаси пухта ўйлаб, мукамал муҳофаза қилинган. Жиззах устки трикотаж кийимлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, вилоят электр тармоқлари корхонаси, Жиззахавтйўл, пайпоқ тўқу фабрикасида меҳнаткашлар ишлаб топган даромад, соф фойда жамоат фикри ҳисобга олиниб, жамоа шартномаси асосида тақсимланмоқда.

Шунингдек, касба уюшмалари ўз тасарруфида бўлган маблағлар ҳисобидан кам таъминланган, муҳтож кишиларга ёрдам уюштирмоқда. Ҳисобот даврида касба уюшмалари ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор берди. 1990 — 1994 йилларда касба уюшмалари меҳнат нозирлари томонидан 800 марта корхона, ташкилот, муассасалар текширилиб, уларда 5 мингга яқин меҳнат қонунларини бузиш ҳоллари аниқланди. Меҳнат қонунларини бузган раҳбарларга тақдирномалар берилиб, уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинди.

"Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни талабларига қўра, ҳисобот даврида қарорлар меҳнат ҳуқуқларини назорат қилиш юзасидан бошланғич, туман кўмиталари фаолиятини оширишга алоҳида эътибор берилди. Бевоқиф касба уюшмаларининг ўзида ҳал этилиши қийин бўлган меҳнат низолари юзасидан 1992—1994 йилларда, 16 та даъво аризалари билан халқ судларига мурожаат қилиниб, барча ҳолларда меҳнат низоларини, суднинг қарори билан дэвогарлар, яъни касба уюшмалари ва қонунга зид равишда бўшатишган меҳнаткашлар фойдасига ҳал бўлди.

Вилоят касба уюшмалари меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларига ҳам эътибор бермоқда. Ҳозирданқ нозирлар томонидан 1334 та корхона, хўжалик фаолияти текширишдан ўтказилиб, меҳнаткашларга қулай хавф-хатарсиз иш шароити яратиб, маданий-маиший хизмат хоналари ташкил этиш юзасидан 20 мингга яқин тadbирни ўз ичига олган тақдирномалар берилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида корхона раҳбарлари, барча бош мутахасссларнинг ишловчилар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги шахсий масъулияти, жавобгарлиги оширилмоқда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳисобот даврида 23 фонзга қисқарди.

Меҳнаткашларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор берилляпти. Ҳисобот даврида вилоят бўйича 21 минг 300 дан кўпроқ киши санаторий-курортлар йўлланмаларидан фойдаландилар. Бугунги иқтисодий қийинчилик, маблағлар етишмаслиги даврида ҳам касба уюшмалари бу мақсадлар учун ижтимоий суғурта маблағларидан 50 фонзини сарфламоқдалар. Йўлнинг яқинлиги, даволаниш самарадорлиги ҳисобга олиниб, меҳнаткашларнинг кўпроқ "Зомин", "Янгийўл" сихаттоҳларида дам олиши таъминланмоқда.

Касба уюшмалари ҳар йили 21 та шаҳар ташқарисидаги, 86 та мактаб қошидаги болалар оромгоҳларида 10 мингга яқин болаларнинг дам олишларини таъминламоқда. Ҳисобот даврида 50 мингдан кўпроқ ўқувчилар оромгоҳлар хизматидан фойдаландилар. Вилоятда янги оромгоҳлар ташкил этиш мумкин.

Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти катта. Вилоятда касба уюшмаларига қарашли 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бўлиб, уларда 1200 нафар ўсмир спортнинг 7 тури бўйича маҳоратларини оширяпти.

Маълумки, касба уюшмалари кўмиталари раислари қанчалик жонқуяр, одамларга ғамхўр, давлат сибсатини тўғри тушунадиган, ўз устидан ишлайдиган, қонуниларни ўзлаштириб олган бўлса, бундай касба уюшма кўмитаси обрўси, таъсири юқори бўлади. Жиззах уйсозлик комбинати, ип-йигирув фабрикаси, Мирзачўл туманидаги Сегизбоев номли, Зафаробод туманидаги С. Раҳимов номли ижара ширкатлари бирлашмаси касба уюшмалари кўмиталари раислари шулар жумласидандир.

Ҳисобот даврида касба уюшмалари вилоят кенгаши аппарати учун ҳам, вилоят, туман бошланғич кўмиталари учун ҳам масъул вазифаларга кадрлар танлаш, уларнинг ишини мунтазам ўрганиб бориб доимий эътиборида бўлди. Шунинг учун ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларида масъулиятсиз, ғайратсиз, ўз соҳасида обрўга эга бўлмаган кадрлар — агро-саноат мажмуи ходимлари Зарбдор тумани кўмитаси раиси Р. Берикбоев, савдо, матлубат уюшмаси ва умумий оқватлиниш корхоналари ходимлари касба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси Н. Джагалар вазифаларига қайтадан тавсия этилмадилар.

Ҳисобот даврида вилоят кенгашига 600 га яқин ариза ва шикоят келиб тушди, — деди маъруза сўғида нотик — 10 мингга яқин озғани мурожаат қайд этилди. 2 мингга яқин шикоят бевосита бўлимлар томонидан тезкорлик билан ҳал этилди.

Конференцияда тафтиш комиссияси раиси Тўлабой Тўйчиевнинг ҳисобот маърузаси ҳам тингланди.

Ҳар иккала маъруза юзасидан музокаралар бўлди. Унда халқ таълими ва фан ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси Н. Уролов, вилоят прокурори О. Соёипов, деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси О. Бурхонов, соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси Г. Халилова, Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли ижара ширкатлар бирлашмаси касба уюшмаси кўмитаси раиси И. Ҳотамов, Жиззах электр тармоқлари корхонаси касба уюшмаси кўмитаси раиси М. Уринов ва бошқалар сўзга чиқиб касба уюшмалари фаолиятидаги ютуқ ҳамда нуқсонлар ҳақида фикр юритдилар.

Конференцияда қабул қилинган қарорда Ўзбекистон касба уюшмаларининг янги-материдаги ҳаракат Дастури ҳамда Низоми лойиҳалари асосан тасдиқланди.

Анжуманда вилоят ҳокими А. Тошкенбоев, Ўзбекистон касба уюшмаси Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари М. Тўлаганова нутқ сўзладилар.

Вилоят касба уюшмалари кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссияси, Ўзбекистон касба уюшмалари XV қурултойига вакиллари сайландилар. И. Хушиев касба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси, А. Ихтиёров, О. Бурхонов раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Алибой ЭРГАШЕВ,
"Ишонч" мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят меҳнаткашлари мустақиллигининг учинчи йилини пахта, галла етиштириш режаларини анча ошириб бажариш билан яқунладилар. Улар йил бўйи ярим миллион тонна дон етиштиришди. Янги йил марралари янада юксак. Қашқадарё еқилга қазиб чиқаришда Ўзбекистонда етакчи ўринни эгалляпти. Нефтининг кўп қисмини, газнинг 96,2 фоизини шу вилоят бермоқда. Газ конденсатининг 99,6 фоизи Қашқадарёда ишлаб чиқарилади. Мамлакатимизда олтингугуртга бўлган эҳтиёжни ҳам фақат қашқадарёликлар қондиришяпти.

Қўлга киритилётган ютуқлар замирида меҳнаткаш халқнинг ижобий меҳнати ётганлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Вилоятда беш юз мингдан ортқ касба уюшма аъзолари бўлиб, 3600 бошланғич ташкилотга бирлашганлар.

Вилоят касба уюшмаларининг бўлиб ўтган XIV ҳисобот сайлов-конференциясида маъруза қилган касба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Э. Ражабов ва музокарада сўзга чиққанлар ҳисобот даврида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдаги барча ишларни атрофлича таҳлил этдилар. Ўтган 5 йил давомида халқ хўжалигининг турли жабҳаларида эришилган зафарларда касба уюшма ташкилотларининг алоҳида ўрни борлиги таъкидланди.

Ҳисобот даврида меҳнаткашлар ва улар фарзандларининг дам олиши ва саломатлигини мустаҳкамлаши учун кенг шароитлар яратилди. 100 ўринли "Мироқ", 150 ўринли "Қашқадарё соҳили" санаторийлари ишга тушди. 600 ўринли 10 та санаторий-профилакторийлар йилига 8 минг кишига хизмат кўрсатмоқда. Вилоятнинг тоғли баҳаво жойларида бир қатор болалар оромгоҳлари барпо этилди. Бозор иқтисодиёти шароитида сихаттоҳ ва оромгоҳларнинг моддий-техника базаларини яратиш,

таъминот масаласини ҳал этиш қанчалик қийин бўлмасин, жамоа шартномалари ҳамда битимларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга имкон борича ҳаракат қилинмоқда.

Конференция қатнашчилари кенгаш фаолиятини қониқарли баҳолаб, тафтиш комиссияси ҳисоботини тинглаб уни тасдиқладилар. Ўзбекистон касба уюшмалари XV қурултойига вакиллари сайладилар. Ўзбекистон касба уюшмаларининг янги Низоми ва ҳаракат Дастури лойиҳалари асосан маъқулланди.

Конференцияда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари М. Тўлаганова, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов иштирок этишди ва нутқ сўзладилар.

Кенгашининг ташкилий мажлисида Эсон Ражабов вилоят касба уюшмалари кенгаши раиси, Суён Бекназаров раис ўринбосари этиб сайландилар.

"Ишонч" мухбири.

НИШОНДОР
ЧОЛ-КАМПИР

Юрт бошига ташвиш тушганда Раҳим Эргашев ҳам кўпчилик қатори Ватан ҳимоясига отланиб, ёвга қарши кўксини қалқон қилган, мислсиз жанг-жадалларга қатнашган эди. Шу туфайли у ҳукуматнинг қатор нишонларига сазовор бўлган. Унинг рафиқаси Уғиллой она ҳам ҳалол меҳнат билан фронт ортида фидойилик кўрсатган аёл.

Эр-хотин урушдан кейинги йилларда Навоий қурилиш бошқармасининг электр тармоқлари бўлимида меҳнат қилишиб, шу ердан кексалик нафақасига чиқшганди.

Яқинда бу фидойи кишилар оиласида қувончли воқеа юз берди. Раҳим ака "Жасорат", Уғиллой она эса "Шухрат" нишонлари билан тақдирландилар.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ишонч" мухбири.



Ҳолатбарор касб эгаларига нисбатан иззат-эҳтиром сўзлари бутун моҳияти ила ишлатилгандадек гўё. Сарҳад билмай йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юраётган шоферлар... Кунига минглаб рўбарў келадиган йўловчиларнинг ҳурматини қозонишга осонлик билан эришмайдилар.

Кишиларнинг узоғини яқин қилаётган Бўка автокорхонаси шоферлари элдан олқиш олиб ишлаётдилар.

15 йилдан бунён "Бўка-Гулистон" маршрут йўналишида ҳайдовчи бўлиб ишлаган Раҳматжон Усмоновиёров, йўловчилар иззатига сазовор бўлган ишчилардан ҳисобланади.

Суратда: Раҳматжон Усмоновиёров сафарга отланаётган чоғи.

Ҳусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

ЧИРЧИҚ шаҳри кимёгарларнинг ажойиб саройида Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари касаба уюшмасининг II курултойи бўлиб ўтди. Тармоқ касаба уюшмаси ўз сафига 70 мингга яқин аъзоларни бирлаштирган, улар давлат корхоналарида, ҳиссадорлик, масъулияти чекланган жамиятларда меҳнат қилишади.

Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Н. Қосимовнинг маърузасида бажарилган ишлар таҳлил этилди ва кимё мажмуи касаба уюшмаси ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолиятига яқун ясалди.

— Касаба уюшмаси ташкилотларининг обрўини кўтариш касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси фаолиятининг бош йўналишини ташкил этади, — деб таъкидлади Нейматилла Тешабоевич. — Биз ўзаро ҳамкорликда муваффақиятларга ҳам, ҳал этилмаган масалаларга ҳам дахлдорликни ҳис этиш учун ўзаро ҳамжиҳатликка эришишга ҳаракат қилдик. Давр ана шундай ҳаётий заруратни тақозо этмоқда.

Республикамиздаги кўпгина корхоналарда мулкка эгалик қилиш шакллари ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда Навоий электр-химия заводи, "Медиз" корхонаси жамоалари очик ҳиссадорлик жамияти шароитларида, "Рангли лак", "Омад" фирмаси ижара шароитларида ишляпти. Тармоқнинг яна 15 корхонаси хўжалик юритишнинг янги кўринишларига ўтишга ҳозирлик кўрмоқда.

Маърузачи тармоқ корхоналарининг кўпчилиги маълум сабабларга кўра ўз қувватининг учдан бир қисминингига ишга солаётганлигини қайд этди. Вақт вужудга келган аҳволдан чиқиш йўллари излаш ва зудлик билан чоралар кўришни талаб қиларди. Йўл-йўлакай ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштиришга тўғри келди. Ёпилган Янги Кўқон кимё заводининг негизда Хитой билан биргаликда тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этилди. Қисқа вақт ичида Олмаликдаги "Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашмасида гўзапоядан ДВП ишлаб чиқарувчи шахобча ўрнатилди. Жиззахдаги пластмасса буюмлар заводида чинни ишлаб чиқариладиган цех фойдаланишга топширилди, Самарқанддаги кимё заводида калиш ва ихчам қадқолганган минерал ўғитларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг ҳаммаси ходимларни ўз иш жойларида сақлаб қолиш, шу билан бирга тармоқ бўйича халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни 1990 йилга нисбатан 60 баравардан зиёдроқ кўпайтириш имконини берди.

Қаерда масъулият ҳис этилса, ўша ерда аниқ мақсадни кўлаб иш олиб борилади, бозор муносабатларига ўтиш қийинчиликлари осонлик билан енгиб ўтилади. Мисол учун,

"Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоани ижтимоий ривожлантиришнинг мукамал дастурига амал қилмоқда. Ҳар йили бирлашманинг қарийб 50 нафар меҳнатчиси янги хонадонларга кўчиб кирмоқда. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръати 20 фоиз даражада бўлиши назарда тутилади.

Курултойда "Ўзкимёсаноат" ассоциацияси бошқарувининг раиси Н. Юсупбеков айнан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг меҳнаткашлар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапирди.

Ҳукуматимиз кимё тармоғини мунтазам қўллаб-қувватлаб, уни ривожлантириш, барқарор ишлашини таъминлаш ҳақида гамхўрлик

ва пухта ишлаб чиқишни тақозо этади. Ана шу долзарб муаммони ҳал этиш йўлидаги амалий қадамлар жамоа шартномалари ва битимларидан бошланади. Кучли касаба уюшмаси ташкилоти бўлса, яхши жамоа шартномаси тузилади. Обрўли тармоқ маркази бўлса, яхши битим имзоланади.

Анжуманда сўзга чиққан вакиллар ижобий силжишлар билан бир қаторда тармоқ касаба уюшмаси камчиликлари ва нуқсонларни ҳам қайд этадилар. Айрим касаба уюшмаси ташкилотлари ҳаётдан ортда қолмоқда, ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланишмаяпти, деб таъкидланди. Қўшма ва кичик корхоналар, бошқа бозор тузилмалари таркиб топаётган бир вақтда жойлардаги раҳбарлар етарли даражада

Курултой қатнашчилари мустақил Ўзбекистон рамлаларни ҳисобга олиб, касаба уюшмаси аъзолик билетларини янгилаш лозим, деган фикрни билдирдилар.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

МДХ республикаларидан келган меҳмонлар: Белорусь республикаси кимёгарлар касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Л. Ф. Грушевская, Россия кимёгарлар касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси В. Н. Станин, Қозоғистон кимёгарлар касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси У. Х. Габдушев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Уларнинг нутқларида республикаларнинг касаба уюшмалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, фойдали иш тажрибаларини ўрганиш ва алмашиш зарурлиги яқдиллик билан таъкидланди.

II-курултой қатнашчилари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг янги таркибини, шу йил март ойида бўладиган Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари XV курултойига вакиллар сайладилар.

Н. Т. Қосимов бир овоздан Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси этиб, О. У. Исҳоқов раис ўринбосари этиб сайландилар.

Курултой ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари К. М. Рафиқов иштирок этди.

Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаларининг анжуманида ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорликда ишлаш таъминини олға сурилди. Зеро, ютуқларимиз асоси бирликдодир.

ЯНГИ ШАРОИТДАГИ
ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

МАСЪУЛИЯТ ҲИС ЭТИЛГАН ЕРДА АНИҚ МАҚСАДНИ
КўЛАБ ИШ ОЛИБ БОРИЛАДИ, БОЗОР МУНОСАБАТ-
ЛАРИГА ЎТИШ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ ОСОНЛИК БИ-
ЛАН ЕНГИБ ЎТИЛАДИ

қилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги "Кимё саноати корхоналари ишини барқарорлаштиришга доир тадбирлар ва уларни янада ривожлантиришнинг йўналишлари тўғрисида"ги қарори фикримизнинг далилидир. Ушбу қарор амалий фаолиятнинг дастурий ҳужжати бўлиб қолади ва бугунги кунда ўз самараларини бермоқда. "Фарғонаазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси тубдан таъмирланди, энди навбат — "Навоийазот" ва "Электрхимпром" бирлашмаларига. Жамият янгиламоқда, шу билан бир қаторда касаба уюшмаларининг янгилаш жараёни кечмоқда. Янги вазифалар олдинга сурилди, улар ўз навбатида давлат ва маҳаллий идоралар билан ўзаро самарали муносабатлар ишлаб чиқишини тақозо этапти.

Мана, икки йилдирки касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси билан "Ўзкимёсаноат" Ассоциацияси ўртасида битим имзоланган. Бу шакл-шубҳасиз, корхона ва ташкилотларнинг жамоа ташкилотларининг жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш, уларни имзолашга тайёрлашда касаба уюшмаси қўмиталарига ҳам услубий, ҳам амалий ёрдам беради.

Ҳар бир касаба уюшмаси ташкилотлари меҳнат жамоалари олдида уларнинг манфаатларини қандай ҳимоя қилмоқчи эканлиги ҳақида жавоб бериши лозим. Бу касаба уюшмасига аъзо бўлишдан манфаатдорлик масаласини чуқур ўрганиш

кўрсатмаётганликлари афсусланарлидир.

Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан республикада кўпгина қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳамма касаба уюшмаси қўмиталари уларни ид-рок этишга қодир, деб бўлмади. Ана шу мақсадда штатга битта касаба уюшмаси адвокати павозимини қўшиш таклиф этилди.

ҚУРУЛТОЙ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ

С. МҶИНОВА, кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитаси раиси:

— Тармоқ касаба уюшмаси меҳнаткашлар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида ҳар бир касаба уюшмаси аъзосининг шахсий ижтимоий картасини ишлаб чиқди ва вилоят корхоналарида жорий этишга киришди. Ходимларимизга бевосита ёрдам шундай ҳал этилади. Яна бир нарса ҳақида: муҳофазаловчи махсус коржомалар билан таъминлаш масаласини тезда ҳал қилиш керак.

У. НИЁЗОВ, "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси:

— Ходимларимиз гоят мураккаб шароитларда меҳнат қилишади. Цехлардаги ҳаво таркибида газ кўп, ишчилар саломатлик учун зарарли моддалар билан алоқада бўладилар.

Ҳар бир ходимни мажбурий равишда тиббий сугурта қилиш жорий этилишини тақлиф қиламан. Яна уй-жой қурилишига маблағ ажратиш масаласини ўйлаб чиқиш ва ҳал этиш керак.

М. ХАЛИЛОВА, "Ўзхимфарм" ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси:

— Курултой қатнашчилари эътиборини меҳнаткаш хотин-қизлар муаммоларига қаратмоқчиман. Уларнинг кўп вақтлари рўзгор юмушлари ва бола тарбиялаш билан банд бўлаётганлиги сабабли иш соатларини қайтариш, имтиёзлар бериш масалаларини кўриб чиқишга вақт етди, деб ҳисоблайман.

Акмал АКРОМОВ, Александр СИЛЕНКОВ,
"Ишонч" ва "Ишонч — Доверие"нинг махсус мухбирлари.

Биологик "соат" ва инсон ҳаёти.

Ижтимоий маромлар ва бир хил такрорланувчи жараёнлар. Узоқ ва фаол умр кечиришда биологик маромлар аҳамияти.

Ўтган аср ўрталарида Парижнинг машҳур табибларидан бири гипноз остида 123 кундан кейин маълум бир манзилга тоза қоғоз вақти солинган конвертни жўнатишни мижози мясига сингдирди. Гипноздан уйғонган бемор бу "топшириқ"ни эслай олмади.

23 кундан кейин табиб навбатдаги гипноз сеанси вақтида тўсатдан "Қанча вақтдан кейин хатни жўнатишингиз керак? — деб бемордан сўраб қолди. "100 кундан кейин, — тўхталмай жавоб қилди мижоз. "Сиз кунларни санаб бораёсизми? — "Йўқ, ўз-ўзидан кўнглимга шундай жавоб келди".

Ҳа, кунлар, ҳафталар, ойлар, соатлар, дақиқалар, лаҳзалар худди шундай ўз-ўзидан ҳисобланиб бораверади. Инсон танасининг, унинг алоҳида органлари, тўқималари ҳолати турли вақт оралиқларида такрорланиб ўзгариб боради. Шу тариқа, асаб толачалари бўйлаб ҳаракатлантирувчи сигналлар "югуриб" қолишади — юрак уради, мушаклар қисқариб, яна бўшади, қон босими, тана ҳарорати, кайфият, ҳол-аҳвол, ишчанлик даражаси ўзгаради.

Буларнинг ҳаммаси маълум бир тартибда такрорланувчи вақт оралиқларида рўй беради ва улар ҳаёт маромини белгилайди. Бу ўзгаришлар жонли мавжудотгагина тааллуқли бўлгани учун уларни биологик ўзгаришлар ёки биологик маромлар деб аталади.

Нафақат инсон танасида, балки бутун жонли мавжудотда маълум бир ҳодисалар, жараёнлар такрорланиб туради ва улар навбатдаги вақт бўлагини бошланганидан дарак

беради. Ўсимликлар гуллади, жониворлар ва қушлар мавсумга қараб ҳаракат қилади, уйку билан уйғоқлик доимо бир-бири билан алмашишиб туради. Табиатдаги бошқа даврий жараёнлар — буларнинг ҳаммаси биологик маромлар кўринишлари ёки бошқача қилиб айтсак, "биологик соат"ларнинг юришидир.

Инсон танасининг вақтни ҳис этиш ва ҳисоблаш қобилияти ҳам "биологик соат" сифатида тушунилади. Ўсимликлардан тор-

ларда биологик "соат" мавжудлигини исботлаш мақсадида гор тагида юқорига кўтарилмай 210 кун яшади. Бутун ўтган вақт мобайнида унинг танасида томир уриши, ҳарорати, қон босими, уйку ва бедорлиги, буйрак фаолияти кунлик мароми асосан сақланиб қолди.

Соғлом одам ўзининг "жонли соати" фаолиятини деярли сезмайди. Биз ўз биологик маромимизни биологик "соатимиз" тартибидан чиқа бошлаганида билиб қоламиз. Ин-

БИОЛОГИК
МАРОМЛАР
ҲУКМИДА

тиб то инсонгача ҳамма жонли мавжудотлар бундай қобилият эгаларидир. Гватемала ўрмонларида гайритабиий бир қуш яшайди. Тинаму деб номланган бу қушнинг қичқиргани айнан бир соат оралигида — ҳар ярим соатда эшитиш мумкин. Гўё қуш эмасу, жонли соат деса бўлади. Пимнархе номида Африка бағири худди соатдек қатий бир вақт оралигида атрофига электр сигналларини таратади. Унинг такрорланиш вақти аниқлигини фақат кварц осциллятор (теб-ранна "соат") билан таққослаш мумкин, холос.

Итальян спелеологи (горларни ўрганивчи мутахассис) Мауринио Монталбини одам-

сон биологик соат асосида яшашни тарқ эта бошлагани бу носозликнинг асосий сабаби-дир.

Эндиликда биз учун ижтимоий маромлар улардан кўра муҳимроқ бўлиб қолди: иш кунининг бошланиш ва тугаш вақти, радио ва телевидениенинг, театр, кино, кўргазмалар ва ҳатто транспортнинг иш вақти ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Ижтимоий маромлар инсоннинг ҳаёт тарзига мос бўлган биологик маромлар доирасига сингмай қолди. Бу энг аввало уйку ва бедорлиқнинг оралиқ вақтига тааллуқлидир. Фан-техника тараққиёти ва айниқса аҳолининг катта шаҳарларда кўпроқ жамланиши туфайли

одамларнинг бедор ҳаракатдаги фаолият вақти анча кўпайиб, уйку вақти бир мунча қисқарди.

Биологик соатимиз юриш маромининг ўзгаришига инсоннинг иш қобилияти энг паст бўлган вақт — тунда ишлаш зарурати ҳам таъсир этди. Ҳозирги замон ижтимоий маромлари одамлардан доимо ҳушёр бўлишни, диққат-эътиборни, юқори кучгайрат билан ишлаш билиш, баъзан эса, кун ва туннинг исталган вақтида энг масъулиятли қарорларни қабул қилишни тақозо этади.

Албатта, масъулиятли қарорларни мия ушбу вазифани енгиб ҳал этадиган соатларда қабул қилиши нур устига аъло нур бўларди. Одам хорий бошлаши билан дам олса! Бироқ бунга эришиш осонмас. Қачон ишлаш керагу, қай вақтда энг масъулиятли вазифани бажариш кераклигини қандай аниқлаш мумкин? Инсон ҳаётида бундай мураккаб лаҳзалар озмунчами?

Ҳўш, нима қилиш керак? Ижтимоий маромлар билан биологик "соат"ларимизни мувофиқлаштириш йўллари қандай? Инсоннинг биологик маромларга ривож қилган ҳолда унинг имкониятлари чегарасини кенгайтириш омиллари нималардан иборат бўлиши мумкин? Одамларнинг жўшқин фаолият қобилиятини узайтириш, умуман, амалда соғлом ва завқли узоқ умрни таъминлашда нималарга эътибор бериш зарур?

Жонли мавжудот, шу жумладан, инсоннинг муҳим хусусияти — биологик маромлар қонуният асосида юқоридаги саволларга жавоб берувчи бир неча суҳбатни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Зеро, ҳаёт маромлари ҳам катта ижтимоий аҳамиятга эга ва уларни билиш сиз ва биз учун фойдалдан холи эмас.

Кейинги суҳбатимиз "Табиат сирлари ва ҳаёт маромлари" ҳақида бўлади.

Ф. ЭШОНҲУЖАЕВ.

Одамийлик сабоқлари

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бораётган ҳозирги даврда қийинчиликлар бўлиб турган бўлса ҳам хатна туллари-ю, қиз чиқариш, ўғил уйлантириш, гап-гаштаклар барҳам топиб кетганича йўқ. Гап-гаштакларда ёзилган дастурхонлар бадастур, улардан спиртли ичимликлар ҳам ариган эмас. Лекин ҳозирги гап-гаштаклар ўтмиш аждодларимизнинг андозасидаги каби тўлақонлими ёки йўқми, бундан ҳозирги авлод ёш оналарикининг хабари борми! Ана шу савол ҳар гал ўртага ташланганда бир воқеа ёдимга тушади.

1956 йил ёз ойларининг бошланиши эди. Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги Зарқайнар кўчасида бир кичкинагина китоб дўкони бўларди. Бу дўконча "Лайлак" масжидига тақаб ўрнатилган бўлиб, унда бир нуруний қария ишлар эди. Шу кишидан китоб харид қилиб турардим. Дастлаб иккимизни бир-биримизга яқинлаштирган, бобокалонимиз Алишер Навоийнинг "Маъбуб-ул куллуб" китоби бўлди. Бу нуруний қариянинг ўзи ҳам китоб шайхоси эди. Ажойиб ғазаллари билан этти иқлима аҳли қалбини забт этган ўзбек-форс-тожик шоирларининг бир неча минг байтини ёддан ўқиб, уларнинг маъносини гапириб беришга киришганда, китоб дўконининг олдидадан бир қадам ҳам жилгим келмай қолардим. Урта

Осий дорилфунунининг ўзбек тили филологияси факультетида таълим олаётган бўлсам ҳам бу кишининг олдида ўзимни ноқулай сезардим. Аҳмад Ясавий ҳикматларидан тортиб Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Хофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдуқодир Бедил каби буюк даҳоларнинг ғазаллари, рубоийларини у кишининг оғзидан эшитганимда симобдек эриб кетар, бундай даражага қандай қилиб эришганиларини ўйлаб кетардим. Дунё халқлари мумтоз адабиётидан 10 минг мисра ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддасларни ёддан айтиш, уларнинг ҳар бир мисрасига жо бўлган чуқур маънони таҳлил қилиб беришнинг ўзи бўладими? Бир кун бу зотнинг айтган битта гаплари мени ҳайратга солиб қўйди.

ИБРАТЛИ
ҲИКОЯТ

— Бедил фалсафасини академик Воҳид Зоҳидовдек билладиган киши йўқ дейишди. Шу олим билан бир учрашиб, бахслашиш ниятим борда. Қани у киши Бедилни қанчалик билар эканлар, — деди майинлик билан. Наҳотки, бу зотда шундай катта олим билан беллашишга етарли илм бўлса, жасорат бўлса! Шубҳаларим ўринсиз эканлигини бир тасодиф тасдиқлаб берди.

Мирзаҳамдам бобомнинг оталари Мирзамухаммад ҳаттодан қолган бир қанча кўчирилган қўлзмаларга тоғам вафотидан сўнг фарзандлари эътибор бермай қўйишган эди. Чунки уларнинг бирортаси араб алифбосини билмас, катта бобомлардан қолган китоблар қандай китоблиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдилар.

Бу китобларнинг ичида ҳазрати Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони ҳам бор эди. Улар ошхонадаги бир сандиқ ичида чанг ётганини қўриб қолиб, ҳаммасини йиғиштириб уйга олиб келган эдим. Тишим ўтмаганлигидан китобни у кишига кўрсатдим. Қўлларига олиб кўздан кечиргач, мендан сўрадилар:

- Уғлим, қаердан олдингиз бу китобни?
- Катта бувамлардан қолган, — дедим ва бу китобнинг кўчирилган йилини тахминан айтдим. Китоб саҳифаларига кўз югуртира туриб яна сўрадилар:
- Абжадини биласизми?
- Йўқ, тақсир.
- Нега бўлмаса кўчирилган йилини бехато айтдингиз?
- Бувам ҳатотлик ҳам қилар эканлар, ҳатотлик билан кўпроқ ўрта ёшли пайтларида шугулланган эканлар. Шундан ҳисоблаб тахминан айтдим.
- Ҳмм... Тасодифни қаранг-а, тасодифни... Қаерда турасиз?
- Табиб кўчада.
- Буваганининг номини биласизми?
- Убайдулла қори табиб.
- Отангизнинг исми Асадулломи?
- Ҳа.
- Ана холос, ана холос. Отамиз Нўъмонхўжа қори қадрдонларининг неваралари экансиз. Буни қаранг, отанонгиз барҳаётларми?
- Худого шукур, қилгаоҳларимизнинг сояи давлатларида юрибмиз.
- Давлатингиз бошингизда экан, уларнинг дуоларини олаверинг, кам бўлмайсиз.
- Бувамлардан табибчиликни ўрганганмисиз?
- Йўқ, ўғлим. У ерда табибчиликдан эмас, одамийлик, одмиликдан дарс олганман. Уша сизларнинг ташқари ҳовлиларингиздаги меҳмонхонада ҳафтасига бир марта жума номозидан кейин гап-гаштак бўларди. Отамлар гап ўргансин, ахлоқ-одобни ўргансин, бахслашишни ўргансин деб мени ҳам бошлаб борар эдилар. Бу гап-гаштакдагилар ҳаммаси билимли, оқ-қорани таниган кишилар эди. Маҳаллаларингизда Аҳмадхўжа деган табиб бўларди. У киши ҳам мана шу гап-гаштакка фойз берувчи зотлардан эди.

Уларнинг битта қизиқ одатлари бор эди, олдиларига келган беморга бошдан оёқ разм солиб чиқиб, кейин томир кўрар эдилар. Агар бемор камбағал бечорахол бўлиб, топганини фарзандлари учун сарфлаб, ўзини ейиш-ичишдан сиқиб қолган бўлса, ёнларидан 4—5 қадоқ гўштга етарли пул чиқариб берар эдилар. "Шу пулга гўшт олиб, бир ҳафта қайнатма шўрва қилиб ичда, кейин ҳузуримга кел" дердилар. Ана шундай одамни "бой, шўро ҳукуматининг душмани" деб, хотин-бола чақаси билан Украинада сургун қилиб юришган эди. Буни қарангки, "сен азиз этган қўлингчи ҳеч кимса хор айламас" деганларидек, Худойи таолонинг севган бандаси экан, Украинада ҳам хор-зорлик кўрмабди.

— Хунарлари тўфайлидир-да?
— Йўқ, одамийлиги-ю, одмилиги тўфайли иззат-обрў топган, — деб бир уф тортдилар-да, ўйлашиб қолдилар. Шу топда Нўъмонхўжа қори ўғли Сандхўжа қори отанинг хаёлларидан нималар кечгани худодан ўзгага аён эмас эди. Кейин яна афсуслангандек гап бошладилар, — Одамийлик Аҳмадхўжа табибнинг ёшлигидан қулоғига қуйилган, ёшлигидан давра кўрган, гап-гаштакда иштирок этган. Халқимизда "давра кўрганми" деган ибора бор-а, шу гапни эшитганимиз? Бу гапни баъзи одамлар нотўғри талқин қилади. Ҳозирги гап-гаштаклар бизнинг қадимги урф-одатлари урф-одатларимизни, давримизни ифода этолмайди. Ҳозирги даврдан, гап-гаштакдан баъзи ёшлар ичкиликбозликни, ҳар хил бемаъни, куракда турмайдиган гапларни ўрганиши ачинарли.

Қадимий гап-гаштакларда дастурхонда қайт қилдирувчи ичимликнинг бўлиши гуноҳи-азм ҳисобланарди. Ичкилик аралашган даврдан фойз билан

бирга одамлар ўртасида бўладиган ҳурмат ҳам кўтарилади. Қадимий урф-одатларимиздан бири гап-гаштак таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, катталар билан ёшлар ўртасидаги муносабатларга қаратилган. Дастурхонда фақат тансиқ таомлари, мева, узум қабилар ўрин олган. Гап-гаштакдан мақсад нафсини қондириш эмас, балки маънавий озуқа олиш бўлган. Шунинг учун қадимда бўлган гап-гаштакда иштирок этувчилар даврасига бемалол кириб ўтираверган. Улар бу даврда катталарнинг ширин сўхбатлари, бахсларидан ахлоқ-одобни, одамийликни, одмилик каби яхши хислатларни ўрганишган. Уларда билимга бўлган қизиқиш уйғонган. Ўзбекона урф-одатларимизда икки кишининг сўхбатини бўлиб, ўртага суқилиб кириш, лўкма ташлаш беадаблик ҳисобланган. Давра ёшлар учун муомала маданиятини ўрганиш мактаби вазифасини ҳам ўтаган. Аҳмадхўжа табиб ҳам ёшлигидан ана шундай давраларда иштирок этиб, вояга етганди. У кишининг инсонийлиги ўзга дин одамлари қалбини ҳам асир этган экан. Ана шундай даврда иштирок этган ёшлар ҳақида маҳалла-куйда гап боргудек бўлса, "давра кўрган йигит-да", дейишган. "Давра кўрганми?" деган гапнинг маъноси мана шунда.

Ҳар бир гап-гаштакдаги сўхбат, баҳс маълум мавзуда бўлган. Гап-гаштак маълум бир мақсадга, одамларга маънавий, ахлоқий озуқа беришга йўналтирилган. Давралар шуниси билан фарқланган. Давра иштирокчилари гапга тайёргарлик кўриб келганлар.

Энди, буваганиз Убайдулла қори табибнинг меҳмонхоналарида бўлиб турадиган гапдаги сўхбатлар, бахслар кўпроқ табиб ҳақида бўларди, Бедилхонлик қилинарди. Бедил ҳақидаги бахслар тортишувлар ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Ана шу даврларда шеърятга бўлган ихлосим ошди. Бедилхонликлар тафаккур қилишга ўргатди. Воҳид Зоҳидов билан Бедил фалсафаси ҳақида бир бахслашиш ниятим бор, деганим боис шундан.

Қани энди ўша даврдаги гап-гаштак қондасига амал қилинса. Шундай давр яна қайтиб келишига ишонгим келади.

Қўлимдан у зотнинг табаррук қўлларига кўчган китоб очқилик ҳолида турарди. Кўзлар қаърида ғам-андух, ўкинч ётарди. Қўлларидан мана шу каби нодир китобларнинг қўли араб алифбосидан юз ўгирганимиз тўфайли йўқолиб кетгандир, деган ўйлар хаёлларидан ўтдимми? Бу китобга, унинг сатрларидаги санъаткорларга тикилиб туришлари кишини шундай хулосага олиб келарди.

— Бу — араб грамматикаси дарслиги китоби экан, — дедилар ниҳоят у киши. — Буни бизлар "Кофия" дердик. Бу китоб қўлингизда экан, менинг битта хизматимдан фойдаланиб қолинг.

— Қандай хизмат экан? Тақсир!
— Хатни билар экансиз. Бизникига олти ой қатнасангиз араб тилини бекама-кўст ўргатиб қўяман. Ўзбек тилида қандай гаплашсангиз, араб тилида ҳам шундай гаплашадиган бўласиз.

Розилик билдиришга билдирдим-у, лекин соғлиқ тўфайли ана шу олийҳимматдан фойдалана олмадим. Бундан мўрод шу ажойиб урф-одатимиз, ўтиришлар, давралар, гап-гаштакларда ўзининг ҳақиқий мазмунини қасб этса, ўзлигимизни яхшироқ англаб олсак, ҳам маънавий, ҳам ахлоқий, ҳам иқтисодий тараққиётимизда муҳим ўрин бўларди...

Ғ. АСАТУЛЛАЕВ.

МУБОРАК ОЙ АРАФАСИДА

Бир неча кундан кейин Аллоҳнинг нури раҳмати олам узра тараладиган муборак рамазони шариф ойи кириб келади.

Бу муборак ой кунлари уч ўн кунликка бўлинади. Биринчи ўн кунлиги раҳмат кунлари ҳисобланиб, иккинчи ўн кунлиги эса Аллоҳ гуноҳкорларнинг гуноҳларини кечирадиган мағфират кунларидир. Сўнги ўн кунлиги эса гуноҳкорларнинг дўзахдан озод қилинадиган кунлари ҳисобланади. Рамазон ойида жаннатнинг эшиклари очилиб, дўзах эшиклари эса беркилади. Бу кунларда қилинган ҳар қандай яхши ва хайрли ишларнинг савоблари бошқа кунларга қараганда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу кунлардаги ноҳўя ишлар, гуноҳли амаллар ҳам бошқа кунлардагига нисбатан бир неча бора кўпроқ мушкулликлар келтиради кишига. Зеро, шу улғ кунларда гуноҳ ишлар қилиниши билан муборак ойнинг ҳурматини поймол этилган ҳисобланади.

Рамазони шариф ойида бир қанча тарихий воқеалар содир бўлганки, уларнинг бир нечаларини айтиб ўтишни маъқул топамиз.

Рамазон ойининг учинчи кун Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан саҳифалар туширилган. Тўртинчи кун эса Расуллоҳга Қуръони Карим туширилган. Еттинчи кунда Мусо алайҳиссаломга "Таврот", саккизинчи кунда

Исо алайҳиссаломга "Инжил" туширилган. Тўққизинчи кун Расуллоҳ томонларидан Маккаи Мукаррама фатҳ этилган. Йигирма биринчи куннинг туни Лайлатул қадр кечасидир.

Яна баъзи уламоларнинг фикрича Лайлатул Қадр кечаси йигирма учинчи куннинг тунига, баъзи ривоятларда айтилишича йигирма еттинчи кун тунига тўғри келади.

Бу ихтилофлардан хулоса шунки, имкони борича Рамазон ойидаги кечаларнинг барчасида Аллоҳдан яхши ниятлар тилаб турилса, иншооллоҳ Лайлатул Қадр кечасига эришилади.

Маъқур муборак ой ичи дунёга келган кишиларнинг қалблари юмшоқ, қўллари очик, олийжаноб, хайрли ишларига доимо бош-қош инсонлар бўлиб етишишларига кўпроқ умид қилинади. Юқорида айтилган хислатларга содиқ қолсалар бир умр бахтли ҳаёт кечирадилар.

Бу муборак ой барча мусулмонлар учун хайрли ва баракали бўлиши муқаррар. Хусусан, юқоридаги кўрсатмаларга амал қилиниб, бутун ой давомида рўзани тўла адо этилса, улар учун барча омад ва бахт қулиб боқади.

Муҳтарам "Ишонч" мухлислари, барчангизни кириб келаётган муборак Рамазони шариф ойи билан сидқидилдан муборакбод этамиз!

ҚУЙИДА САҲАРЛИК ВА ИФТОРЛИК ВАҚТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ УЧУН БЕРИЛГАН

Рамазон кунлари	Февраль Март	Ҳафта кунлари	Оғиз ёпиш вақти	Оғиз очиш вақти
1.	1.	Чоршанба	5.55.	17.43
2.	2.	Пайшанба	5.55.	17.44.
3.	3.	Жума	5.54.	17.46.
4.	4.	Шанба	5.53.	17.47.
5.	5.	Якшанба	5.52.	17.48.
6.	6.	Душанба	5.51.	17.49.
7.	7.	Сешанба	5.50.	17.51.
8.	8.	Чоршанба	5.49.	17.52.
9.	9.	Пайшанба	5.48.	17.53.
10.	10.	Жума	5.47.	17.54.
11.	11.	Шанба	5.46.	17.56.
12.	12.	Якшанба	5.45.	17.57.
13.	13.	Душанба	5.44.	17.58.
14.	14.	Сешанба	5.42.	17.59.
15.	15.	Чоршанба	5.41.	18.01.
16.	16.	Пайшанба	5.40.	18.02.
17.	17.	Жума	5.39.	18.03.
18.	18.	Шанба	5.38.	18.04.
19.	19.	Якшанба	5.36.	18.06.
20.	20.	Душанба	5.35.	18.07.
21.	21.	Сешанба	5.34.	18.08.
22.	22.	Чоршанба	5.32.	18.09.
23.	23.	Пайшанба	5.31.	18.10.
24.	24.	Жума	5.30.	18.12.
25.	25.	Шанба	5.28.	18.13.
26.	26.	Якшанба	5.27.	18.14.
27.	27.	Душанба	5.25.	18.15.
28.	28.	Сешанба	5.24.	18.16.
29.	1.	Чоршанба	5.22.	18.18.
30.	2.	Пайшанба	5.21.	18.19.

"АЛЛО, 07 ЭШИТАДИ"

Бугунги югурик замон билиш ва англаш, улгуриш ва интилиш замони. Ҳар сония инсон ақлу гидроки янгилликка интилади, қадами етмаган жойга зумда сим қоқиб, муҳим бир юмушни ҳал қилишга шошилади. Тун ярмидан оққанми, йўқми, барибир...

— Алло, алло...
Шаҳарлараро телефон станциясининг кўринмас дастурлари жоҳатингизни чиқариб, жонингизга оро киришади.

Телефон станциясида кўплаб хизматчилар намунали меҳнатлари билан сарҳад билмас олисликлардаги биродарларингизро масофани яқин қилаётирлар.

— Алло, алло...
Диққат қилинг, сизга сим қоқишаётир.

Суратда: шаҳарлараро телефон станциясининг илғор ходимлари (чапдан) Мастура Авазова, Маълум Насриддинова, Зинаида Пляшаквалар кундалик янгилликлар билан танишаётирлар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



К Е Н Г А Ш Л И Д У Н Ё

Бугунги ва эртанги кунлар ҳақида ҳар ким ўзича фикр юритади ҳозир. Ҳўш, ёшлар-чи? Мухбиримизнинг ёшлар билан олиб борган қуйидаги суҳбати ҳам ана шу мавзуда.

Норбек ТОШНИЁЗОВ — Тошкент Давлат Университети филология факультетининг 3-курс толиби: Ҳозир изланиш даври. Шунинг назарда тутиб айтмоқчиманки, тинмай ўрганиш, билим олиш бугунги кунимизнинг асосий талабидир. Яширишни ҳождати йўқ, ҳозир жуда кўп ётоқдошларим ўқишни ташлаб, ўзларини тижоратга уриб кетишяпти. Бу нотўғри йўл, чунки ҳамма савдототиқни уддалаб кетиши амри маҳол. Ахир унга ҳам уқув керакда. Қишлоғимиздаги бир кекса мактабни битириб, олий билим юртига кетаётганларга “Ҳе, ҳамма илмли бўлаверса, подани ким боқади” дер эди. Шунинг учун айтмоқчиманки, шифокор даволаса, муаллим ўқитса, тарбиячи тарбияласа, қисқаси ҳар бир киши қўлидан келган иш билан шуғулланса ҳаёти кўркем бўлаверади. Мен шундай деб ўйлайман.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг 2-курс талабаси КАРИМОВА Муқаддас:

— Менимча, ўша ёзувчи ҳусн-жамолни эмас, балки қалбларнинг гўзаллигини назарда тутган бўлса керак. Бордию барча инсонлар алдамасдан, бир-бирига ишониб садоқат билан яшаса, менимча ўзаро низолар, урушлар ҳам бўлмас эди...

— Тенгдошларингиз тўғрисида қандай фикрлар айта оласиз?

— Фақат йигитлар шаънига бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман: Ҳозирги йигитлар севгини жуда жўн қабул қилишади. Қизларнинг кўпчилиги ҳам ана шундай одатта берилиб енгил-ели севги тузоғига илинишмоқда. Бундайларни кечириб бўлмайди. Мабодо бойлик кетидан қувиш пайига тушмай фақат билим ортириш, ҳунар ўрганиш пайига тушсалар, олам гулистон бўларди.

Ишчи Акмал ҚОБИЛОВ:

— Халқимиз фаровон турмуш кечириши учун нималар қилиш керак?

— Ёшларимиз меҳнатдан чўчимаё заводларга ишга киришлари керак. Менга қолса, йигит ва қизлар мактабни тугатганларидан сўнг бир йил ишлаб чиқаришда заводларда ишлаб, тажриба орттиришларини тақлиф қилардим.

Ҳозир заводдан кўпчилик кетиб қолаяпти. Тўғри, олаётган маошимиз кўп эмас, лекин ҳамма нарсани маошга боғлаб қўйиш инсофданми? Ахир шу юрт ўзимники бўлганидан кейин унинг келажagini ўйлашни асосий мақсад қилиб қўйсақ бунинг нимаси ёмон?

Суҳбатдош Рустам ҚАЮМОВ.

ГУРУР ҲАҚИДА
ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Гурур мавзуси бутун бир аудиторияга “Гурур ҳақида фикрингиз қандай?” деган савол билан анкета варақасини тарқатилгандан сўнг олингандан кейинги жавобларнинг айнан бир-бирига ўхшашлигига гувоҳ бўлганмиз. Гурур — бу ҳаё, йимон, ор-номус демакдир. Шундай эмасми?

Қиз бола гурури ҳақида ўйлаб кетаман... Дугонам ўз бошига тушган бир савдо туфайли сал бўлмаса ақлидан озаёзди. Гап шундаки, у юрак туйғусини писанд қилмади, тўғрироғи қадрламади. Калондимоғлик уни шу ҳолга олиб келдию тасодифан боши деворга тегди. Ақлини йиғиб улгурган маҳал кечикканини ҳам сезди. Чунки у кўнгил қўйган йигит аллақачонлар бошқага ўйланиб кетибди.

Севиш, севилишга ҳар бир ёшнинг ҳақ-ҳуқуқи бор. Ўзи севмай туриб, ўзгандан севги талаб қилиш, гурурлиман, деб ўзганинг шаънини менсимасликнинг охири баҳайр бўлмас.

Шоир айтмоқчи яшаш унчалар ҳам мураккаб эмас, инсон ўзи уни мураккаблаштириб, чигаллаштириб юборадик, алал-оқибатда афсус-надомат, ғам-алам ўтида қовурилиш билан адо бўлгуси. Яқин кишингизга телефон қилишингиз, нари борганда ҳол-аҳвол сўраб қўйишингиз бурчингиздир. Лекин аллақандай мағрурликка ўхшаш ҳиссиёт кўзгалиб, чаққон телефон трубкасини жойига илб кўя қоласиз. Айни пайтда ўша танишингизни ўзи сизга кўнгирик қилишини истайсиз. Баъзан шундай ҳам бўладики, ҳаёлан у билан суҳбат қурасиз. Сизни қийнаётган ҳиссиёт тугунлари ечилиб, ором топасиз. Қандайдир руҳ пайдо бўлиб, атрофингизда гир айланар, сизни аллалар, эркалар. Бироқ кўзингиз очилиши билан бари бир яна бояги-боягидай. Ўзингизни эса ҳамон телефон яқинига қайта йўллашдан тиясиз. Чунки бунга гурурингиз йўл қўймайди...

Мен бундай тафсилотларни бошдан кечирганлар билан ошноман. Айрим ҳолларда бу ҳиссиётни журтасизлик, қатъиятсизлик иллатига йўямиз. Ахир, ҳаётимизда бундай туйғу исканжасига тушиб, ичдан озор чеканлар камми дейсиз.

Аммо гурур керак. Унга гард юктирмаслик эса ҳар кимнинг ўз қўлида. Бегурур кимса дафъатан кўзга илинавермаса, керак, деб ўйлаймиз. Демокчиманки, ҳар ким ўз “мен”ини сақлай ола билсин. Бу албатта иродага боғлиқ. Аммо севги бобда қатъий гурурга ҳаддан берилиб кетиб, поймол қилиш даражасига олиб боришдай манманлик мисол калондимоғликка берилишлар билан келишолмасам узрлидир...

Севишганлар орасидаги гурурнинг ифтидоси хижрон, фироқ, соғинч азоби. Севишган икки қалб висол топган муддат гуллар униб чиққуси, булбуллар хониш қилгусидир. Йигитни тоғларга қиёсласак, муҳаббат ана шу тоғдан отилиб тушаётган зилол сув мисол. ҳазрати Алишер Навоий битган машҳур “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳоднинг тоғни йўниб элга сув келтиришида, Ширинга бўлган садоқати рамзи, элга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусида метин каби букилмас гурури тараннум этилмаганими?

Гурур ҳақида фикрим ана шундай. Сиз нима дейсиз, азизлар?

Оймомо ОБИДОВА.



Шеърят гулшани

САДОҚАТ

Турналар галаси аргумчоқ солиб,
Азим чинор узра учиб ўтади.
Мағрур дарахт эса бўлгандай голиб,
Совуқ шамолларга кўксин тутди.
Ёғиб турса ҳамки тинмайин ёмғир,
У на совқатади, на писанд қилар.
Ўзга юртни севмоқ унинг чун оғир,
Беватан бўлмоқни гуноҳ деб билар.
Майли ўзлигини этиб намоён,
Турналар жанубга кетсинлар учиб,
Лек чинор баҳорни кутади ҳар он,
Илдизи-ла азиз тупроқни кучиб.

АЙРИЛИК

Манзара

Булултар тинмайин кўз ёш тўқади,
Япроқлар кетади лойга қоришиб.

Қайгудан осмоннинг кўнгли чўқади,
Кундуз, бироқ олам турмас ёришиб.
Тин билмас боладай еллар югурар,
Совуқдан жунжиқиб кетар майса ҳам.

Мажнунтол ўксиниб бош эгиб турар,
Гўё япроқларга тутгандай мотам.

ПОЁНДОЗ

Эъзозлайди одамларни у,
Тўй-тўкинда бўлмайди унут.
Қанча кутлуг қадамларни у,
Ўтганидан бўлади хушнуд.

Нобоп кимса топтаб ўтган он,
Кўкси оҳга кетар-у тўлиб.
Шундагина қилар пушаймон,
Яраланган-чун поёндоз бўлиб.

Наргиза АЛИХОНОВА.

Аслиддинжон билан гурунглашиб ўтирибмиз. Чехрасида ним табассум. Ўзи куйлайдиган кўшиқлардай мунис, мулоим табассум... Ҳар бир гапини бир байт шеър билан изоҳлайди:

Баҳор айёмидин дағи йигитликнинг авоний дур.
Кетур соқий шаробий ноз бу ишрат замоний дур.

Сўнг хиргойи қила бошлади. Унинг бутун вужуди куйлайди гўё. У ошна-оғайни давралари, ўз оиласи билан ўтирганда, тўй-хашамларми, қаерда бўлмасин доим ўзига бирдек талабчан, бирдек масъулият ҳис қилиб, ана шундай куйлайди у. Суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, унга қўшилиб мен ҳам куйлаётгандай бўлавераман. Ажиб бир тотли ҳиссиётга берилиб, баҳор янглиқ мафтункор манзаралар ичра кезиб юргандай бўлавераман... Аслиддин бир неча йилки, ўз мухлислари дилини ана шундай яйратиб, алла-лаб, сеҳрлаб келади.

... Республика ёш ижрочилар “Камолот — 92” кўрик-танлови кизгин ўтаётган пайт. Ёш ижрочилар мумтоз, лирик кўшиқларни ижро этар, таълоу хайъати аъзолари эса ҳар бир овоз эгасини диққат билан кузатар, кимнинг маҳорати қандайлигига баҳо бериб, дилига туярди.

Ниҳоят, Аслиддин Дўстовга навбат тегди. Рустам Очилов шеъри билан айтиладиган “Иста-

дим”ни ҳаяжон ила тўлқинланиб айтади. Сўнг яна бошқа кўшиқлар ижро этилади. Қарсақ устига қарсақ...

Танлов комиссия хайъати тортишиб ўлтиришмайди. Аслиддин Дўстовга энг фахрли ўринни муносиб топишади.

Хонанда янги кўшиқ учун шеърлар танлашга ҳам эътибор билан қарайди. Бу ўз навбатида

унинг мухлислар кўнглига хуш ёқадиган ашулалар ижро этишга бўлган интиқликдан дарак.

Аслиддин билан суҳбат курсангиз, энг аввало, санъат йўлига чиқиб олишга сафарбар қилинишида ва бунга имконият яратиб берган ота-она Фазлиддин бува ҳамда Сожида аялари ҳақида оғзидан асал томиб гапирари.

Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Сарносиё қишлоғида истиқомат қилаётган бу чолу-кам-пир, ака-ука, ошна-оғайнилари “ойнаи жаҳон”да қачон мусиқа товуши эшитилса жамулжам бўладилар. Минг-минглаб томошабинлар қатори Аслиддинни кутадилар.

Ана саҳнада Аслиддин жўшиб куйлаётир. Муҳаббатдан, Ватанга, садоқатдан, юрт таровати, халқимиз саҳовати-заковати ҳақидаги

МУҲАББАТ
ОЛОВИ

Ишқ — баҳорий найсонларда чўмилган майса янглик бокира ва гўзал туйғу. У ҳар бир қалбга ҳар-хил бўю ифор бахш этади ва ошиқ юраклар уни беғубор тутмоқ истадилар.

Албатта, “Ватанни севмоқ иймондандир” (ҳадис). Аммо шундай дақиқалар бўладики, “Битта қинга икки пичоқ сигмай қолади”. Қайси “пичоқ” қай юрак қинига мўлжал олса... Бу ошиқ қалбига ҳавола. Бизлар тақдир шамолига учраган ожиз капалаклармиз. Қай ерларга учуриб кетмоқ тақдирнинг ҳукмида.

Баъзида ёр ишқини буюк билиб хорижга кетган қизларнинг не куйга тушгани ҳақида “узунқулоқ гаплар эшитамиз”. Албатта, шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди. Кимлардир тубанлик сари одимлаш учун ишқини зинапоя қиладилар. Аслида севги инсонни комиллик чўққиси сари чорлайди. Истеъдод муҳаббатдан тугилмаган доим. Шоирни шоир қилган қалам эмас, ҳофизни ҳофиз қилган торгина эмас, муҳаббат ҳамдир.

Сайф-уз Зафар Навбахорийнинг “Дур-ул мажолис”ида келтирилишича, “Ёр учун юртдан кечган Зулайҳо ҳажрдан кексайганда, Юсуф пайгамбарга ғойибона нидо келибди: “Сенинг кўйингда кўр бўлган Зулайҳонинг ҳолини кўргил”. Шунда хассага суяниб ўтирган, кўзи ожиз Зулайҳонинг олдида Юсуфнинг отлиқ аскарлари саф тортиб ўтишиб, орамизда Юсуф борми, деб сўрашибди. Аларга Зулайҳо йўқ, деб жавоб берибди. Охири алайҳиссаломнинг ўзлари ўтиб, бизнинг орамизда Юсуф борми, десалар, “Юсуф сенсан” дебди Зулайҳо. Пайгамбар “қандай кўрдинг” деб сўрабдилар. Зулайҳо: “Кўрмадим, аммо барча отлар туёғи ерга тегди, сенинг отинг туёғи эса юрагимга тегди” деб жавоб берибдилар. Юсуф пайгамбар “сен то ҳануз мени севармусан, кўзингни нури, белингни куввати, юзингни чиройи кетибди, бир оёғинг гўр оғзида” десалар. Зулайҳо оҳ урибди. Оғзидан олов отилиб, Юсуфнинг қамчиси ена бошлабди. Пайгамбар қамчини улоқтирибди. Шунда Зулайҳо бир умр юрагим бардош берган севги ўтига сен бир лаҳза бардош бера олмадинг, дебдилар”.

Зулайҳодек севганлардан дўзах етти фарсанг орта қочармиш. Севги оловга дўзах олови ҳам бардош беролмасмиш. Демак, севгига ўлим йўқ. Муҳаббат пок кўнгилда тугилса — у абадиятга кўчади. Мен шундай деб ўйлайман.

Гулзебо ИБРОҲИМОВА.



кўшиқлар бу. Элимиз истиқлолига баҳшида наволар... Ҳа, тингланг, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи толиби Аслиддин Дўстов ижро этмоқда уларни.

Мирбаҳодир БАДАЛОВ.

ТИНГЛАНГ, АСЛИДДИН
КУЙЛАМОҚДА

ЯНВАРЬ — ФЕВРАЛЬ

ДУШАНБА, 30

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кўлқари". Видеолаваха. 18.20 "Мушоҳада учун мавзу". 18.55 Ўзлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўзлонлар. 19.25 "Нигоҳ". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Маърифатнома". 21.30 "Иймон кетмасин...". Носир Алимаҳсумов куйлайди. 22.00 "Фармонбиби аразлади". Аббор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли. 23.55 — 00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Полопон". 18.55 "Сизга раҳмат". 19.40 "Бу бўстон аро...". 20.15 "Само остидаги юлдузлар". 20.55 Бевосита мулоқот. 21.45 Кикбоксинг бўйича Республика турнири. 22.45 — 23.35 "Жаҳон мусиқаси дурдоналари". Л. Бетховен. "Учинчи симфония".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 "Мультикарусель". 19.55 "Ёшлик оқшоми". 20.40 "Тадбиркорлик мактаби".

"ОМАД" таништиради:

21.05 "Совға". 21.35 "Сирли олам". 21.45 "4/8". Мусиқий кўрсатув. 22.15 Ўзлонлар. 22.20 Видео — "О". 00.05 Ўзлонлар. 00.10 "Курьер". 00.30 "...яна об-ҳаво ҳақида". 00.40 — 00.50 "Постфактум".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳаммаининг тилида". 18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда". 18.50 Янгилликлар. 19.00 Хитой телевидениесининг кўрсатувлари. 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика). 20.00 "Эрак ва аёл". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 А. И. Солженицин билан учрашув. 22.05 "Эслаб, излаб". 22.45 — 23.00 "Спорт уик-энди".

СЕШАНБА, 31

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Аловуддиннинг сеҳрли шамчироти". Бадий фильм. 10.20 "Урмон манзаралари". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. 11.00 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт. 12.00 "Қадимий ёдгорликлар — бебаҳо бойлигимиз". Кинодастур. 13.00 Немис тили. 13.20 "Кафолат". 13.50 "Саломат бўлинг!". 14.20 — 14.50 "Ислохот ва масъулият".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Шеърлий дақиқалар". Маъруф Жалил. 18.20 "Истиқлол ва мафкура". 18.55 Ўзлонлар. 19.00 "Ўзбекистон ахбороти (рус тилида)". 19.20 Ўзлонлар. 19.25 "Хотира". Хислат таваллудининг 115 йиллигига. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ватанин севмоқ ниймондандир...". 21.50 Мумтоз мусиқа кечаси. 22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. "Мухаммадур Расулulloҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 1-қисм (Миср Араб Республикаси). 23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 18.30 "Мультифайерверк". 19.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 20.00 Видеоғид. 20.20 "Теле-ателье-шоу". 20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.

21.10 — 23.00 "Кинонигоҳ". ЎзТВ III 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 "Мультикарусель". 19.55 "Ёшлик" студияси. "Аскар мактуби". 20.35 "Нон таъми".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилликлари. 21.20 "Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлида". 22.00 "Дурдаршн", телекомпаниясининг кўрсатувлари. 23.00 "Жаҳон ва биз". 23.30 — 24.00 "Умид" (уй гур тилида). "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 — 9.00 "Тонг". 18.00 "Рус олами". 18.30 "СБ" жумбоғи. 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Вильгелм II. 18.50 Янгилликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Илк манбадан". 21.50 — 23.40 "Жиддий ўйин". Бадий фильм.

ЧОРШАНБА, 1

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Вертикаль". Бадий фильм. 10.15 "Шарқ зарчашмаси". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 11.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати. 11.45 Алифбо сабоқлари. 12.15 "Ёшлик" студияси. "Эъзо". 12.55 "Қиш сурури". Концерт. 13.25 — 13.55 "Фан уфқлари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтоймиз — гижингтоймиз". 18.35 "Ўзбекистон". Телевизион киножурнал. 18.45 Спорт хабарномаси. 18.55 Ўзлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўзлонлар. 19.25 "Барака мезони". 19.40 "Санъат олами". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ким топди?" Телевизион кўриктанлов. 22.10 Мусиқий дақиқалар. 22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. "Мухаммадур Расулulloҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 2-қисм. 23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 "Ўзим ҳақида...". 19.00 "Буерак". 19.30 "Жонли тил". 20.30 "Мусиқий меҳмонхона". 21.30 "Халқ саломатлиги йўлида". 22.15 "Ҳилол" студияси. "Авто плюс". 22.35 "Дарвоқо". 22.55 — 23.40 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель". 19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм. 20.45 — 23.45 "ОМАД" таништиради: "СПОРТ ҚИТЬАСИ". "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 — 9.00 "Тонг". 18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси: "Мулоқот — иқтисодий дайджест", "Ўз ўзлари ҳақида". 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Оятулло Хумаини. 18.50 Янгилликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Кумушранг шар". В. Вульфнинг муаллифлик кўрсатуви. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Монолог". 21.50 — 22.50 Ғалабанин 50 йиллигига. "Урушдан олнисда" (Красноярск).

ПАЙШАНБА, 2

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Ажойиб ҳаёлпараст". Бадий фильм. 10.20 "Менга етти ол, шамол". Теле-

фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари. 11.00 "Кўғирчоқлар — менинг дўстларим". 11.30 Янги алифбони ўрганамиз. 12.00 "Ҳуқуқингизни биласизми?". 12.15 "Қирқ хунар ҳам оз". 12.50 — 14.50 "Ёшлик" видеоканалли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Уч қурбақа". Мультифильм. 18.20 Ўқувчи ёшларнинг сиртки телевизион олимпиадаси. 1-кўрсатув. 18.55 Ўзлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўзлонлар. 19.25 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси "Шодлик" ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Буюк Турон". "Ўзбектелефильм". Премьера. 21.30 Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али. "Яқинлашаётган Америка". Сафар таассуротлари. 22.05 "Бир жуфт кўшиқ". 22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. "Мухаммадур Расулulloҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 3-қисм. 23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Жозиба". 18.55 "Ишингиз бароридан келсин!". 19.10 "Бир шингил ҳангома". 19.20 "Мухаббатта ошно қалблар". 19.40 "Теле-ателье-шоу". 19.50 Видео янгилликлари. 20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 21.00 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 "Мультикарусель". 19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилликлари. 21.05 "Дидар". 21.45 — 22.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 — 9.00 "Тонг". 18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 18.30 "Миниатюра". 18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Х. Капабланка. 18.50 Янгилликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 Фигуралли учини. Европа чемпионати. Жуфт бўлиб учини. Ихтиёрини программа. Германиядан кўрсатилади. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Москва, Кремль". 22.00 "Сизга аталган учрашувлар". Олег Меньшиков. 22.40 — 24.00 "Олис, олисларда...". Телевизион бадий фильм.

ЖУМА, 3

ЎзТВ I

7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Тоғларда қолди менин қалбим". Бадий фильм. 10.20 Немис тили. 10.40 "Қизқич". Телефильм. 11.15 "Болалар меҳмонхонаси". 11.55 Чолғу куйлардан концерт. 12.25 "Вазият". 13.10 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим". 13.45 "Бола бошидан...". 14.25 — 14.55 "Фахрийлар — фахримиз".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ғойиб бўлди осмонда қуш". Мультифильм. 18.20 Ўқувчи ёшларнинг сиртки телевизион олимпиадаси. 2-кўрсатув. 18.55 Ўзлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўзлонлар. 19.25 "Тадбиркорликка кенг йўл". 19.40 "Юлдузлар шўъласи". Спорт кўрсатуви. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Мозийга бир назар". 21.30 Дуторчилар ансамбли ижросида халқ ашулалари. 22.00 "Одобнома". 22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. "Мухаммадур Расулulloҳ". Кўп қисмли

телевизион бадий фильм премьераси. 4-қисм. 23.15—23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Ийгитча". Фильм-концерт. 19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 19.30 "Билиб қўйган яхши". 19.55 "Бу бўстон аро...". 20.25 "Мўъжизалар оламида". 21.05—24.00 Буюк Ғалабанин 50 йиллигига. "Майор Вихрь". Бадий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10—19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 "Мультикарусель". 19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништиради:

20.45 "Камалак". 20.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. 21.25 Ўзлонлар. 21.30 "Даракчи". 21.45 "Салом, ёшлар!". 22.15 Ўзлонлар. 22.20 — 24.00 Видео-"О". "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30—9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун". 18.30 Фигуралли учини. Европа чемпионати. Эраклар. Ихтиёрини программа. Германиядан кўрсатилади. 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.50 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Ҳафтанин машҳур кишиси". 22.00—23.10 "Детективлар клуби"да. "Гуруҳ". Телесериал (Франция). 4-серия.

ШАНБА, 4

ЎзТВ I

7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Аршин мол-олон". Бадий фильм. 10.20 "Шохруҳ" клуби. 10.50 "Дил номалари". Мусиқий кўрсатув. 11.35 "Ёшлар билан юзма-юз". 12.05 "Ҳужжатли экран". "Достон" ижодий уюшмасининг фаолияти ҳақида. 12.45 "Цирк! Цирк! Цирк!". 13.45—14.30 "Чорраҳа".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультифильм. 18.10 "Умид учкунлари". 18.45 Спорт хабарномаси. 18.55 Ўзлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўзлонлар. 19.25 "Оила". 20.00 "Ўзбекистон янгилликлари" (инглиз тилида). 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Турфа хангомалари". 21.45 "Бандихон неъматлари". "Ўзбектелефильм". Премьера. 22.00 "Волидангни рози қил". Абдулхай Каримов куйлайди. 22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. "Мухаммадур Расулulloҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 5-қисм. 23.15 "Ўзбекистон янгилликлари" (инглиз тилида). 23.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультифайерверк". 9.45 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 10.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 10.30 Видеоғид. 10.50 "Теле-ателье-шоу". 11.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 11.40 "Кинонигоҳ". 13.15 "Омад" тақвими. 13.20 "Жозиба". 13.40 "Ишингиз бароридан келсин!". 13.55 "Бир шингил ҳангома". 14.05 "Мухаббатта ошно қалблар". 14.25 "Теле-ателье-шоу". 14.35 Видео янгилликлари. 15.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар. 15.45—17.00 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Коллекция". 19.30 "Пульс". Хабарлар. 19.50 Янги йил танишуви. 20.40 "Осойишта бўлсин хонадонингиз!". 21.40 "Акс-садо". 22.10—23.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 "Жонли сайра".

10.20—12.35 "Театр учрашувлари". Мухтор Авезов номидаги Қозоқ Давлат академик драма театри — меҳмонимиз. ***

18.10—19.40 Туркия телевидениеси. * 19.40 "Мультикарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.55 "Рангинкамон" (тожик тилида). 20.40 "Жаҳон бир ҳафта ичида". 21.05 "Чинсэн". Корей тилида кўрсатув. 21.55 "Би-Би-Си" янгилликлари. 22.10—22.30 "Бу ажиб дунё". "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 18.00 "Театр + ТВ". Лия Ахеджакова ва унинг қаҳрамонлари. 18.55 Жан Марэ ва Луи де Фюнес "Фантомас" бадий фильмида (Франция, 1964 й.). 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.45 "Бахтли тасодиф". 22.35 "Оба-На". 23.15—23.50 "Бироз севи ҳақида". Филипп Киркоров куйлайди.

ЯКШАНБА, 5

ЎзТВ I

7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Юртимнинг азиз сиймолари". Кинодастур. 9.30 "Футбол майдонларида". 10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". 10.30 "Қўшиғим, жон қўшиғим". Чуст тумани ўқувчиларининг қиқши. 11.20 Ўлмас Умарбеков. "Номус". Теленовелла. 11.45 "Эгуликка интилиб". 12.15 "Тошкент — нон шаҳри". Бадий фильм. 13.50—14.25 "Халқ ижодиёти". Оилавий ансамбллар телефестивали. ***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. "Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб". 18.40 "Мусаввир". Телефильм. 18.55 Ўзлонлар. 19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида). 19.30 Ўзлонлар. 19.35 "Ойнаи жаҳонда...". 19.55 "Гул кўп, чаман кўп". 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ҳафтанома". 21.00 Ўзлонлар. 21.05 "Ўзбекистон — гуллаган бог". Телефильм. 21.35 "Якшанба оқшомида". 22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. "Мухаммадур Расулulloҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 6-қисм. 23.10—23.40 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 17.00 Болалар учун. "Совға". 17.30 "4/8". Мусиқий дастур. 17.50 Ўзлонлар. 18.00 Видео — "О". 19.40 Ўзлонлар. 19.50 "Курьер". 20.20 "...яна об-ҳаво ҳақида". 20.35 "Постфактум". 20.45 "Компьютер — Осн". 21.15 "Қирол репортажи". 22.05 "Даракчи". 22.15 Ўзлонлар. 22.25—24.00 Видео — "О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 "Ташрифлар ва тақифлар". 10.30 "Мусиқий саҳнат" (Грузия). 11.05 Болалар учун фильм. "Етти умид камалаги". 12.10—12.20 "Ўзбекистон янгилликлари" (инглиз тилида). *** 18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.40 "Жаҳон бир ҳафта ичида". 20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.00 "Би-Би-Си" янгилликлари. 21.15 "Интердиалог". 21.50 "Мюзик-холл". 22.10 "Си-Эн-Эн" янгилликлари. 22.25—22.45 "Бу ажиб дунё". "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.15 Мультифильмлар. 19.15 "Россиянинг кичик шаҳарлари". Надим шаҳри. 19.45 "Наполеон I". В. Маяковский номидаги Москва академик театрининг фильм-спектакли. 22.00—22.50 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.

"Тошкентдан танишмиш ва кўрсатамиш" дастуридан.

"Сарбон бис" кичик қорхонаси тугатилади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир он давомда қабул қилинади.



ШУ ЛИБОСДА ГЎЗАЛСИЗ!

Бугунги мода ҳақида гапирар эканмиз кўпроқ образ, қиёфа сўвларини ишлатамиз. Бу ҳам тасодифий эмас. Моданинг маълум бир устивор кўринишига, алоҳида модел белгиларига нисбатан қатъий тавсия бериш даврлари ўтиб кетди. Бугунги мода шунчаки оддий нарса эмас, унинг турфа қиёфалари мавжуд, у ҳам камалак тимсол образлар яратаяпти.

Тошкент Модалар марказининг истеъдодли расом-моделери Лариса Гордиенко Сизга табиий ипақдан тикиладиган ҳашамдор либослар моделларини таклиф қилади. Марғилон ипақидан тантанали маросимларга мўлжаллаб тайёрланадиган костюмлар, блузлар ва юбкалар бутунлай янги таассурот уйғотади, кишида кўтаринки кайфият уйғотади.

Сидирга рангидаги крепжоржет, шифон ёки крепдешин матоларини мохирона уйғунлаштириш, бадий кашгаларни заргарона ишлатиш, плиссе ва гофре сингари мураккаб усуллардан унумли фойдаланиш ушбу моделларга янада тантанаворлик ва улугворлик бахш этади.

Ўзгаришлар билан тўлган долғали замонда яшаймиз. Кунда ҳар турли муаммоларни ечишга, қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келади. Бироқ, ҳаёт бир ерда турғун эмас. Бунинг устига байрамлар, қувончли кунлар ҳам саноқсиздир. Бир умр едда қоладиган тантанали воқеалар, оилавий хурсандчиликлар учун рижим бўлмайдиган, табиий ипақдан, крепдешин ва крепшифондан тайёрланувчи либос моделларини тавсия этамиз. Ғоят нозик тўлқинланувчи, букилувчан ва таъсирчан табиий ипақ газламаси барча безак инжиқликларини зиммасига олади.

Биз тавсия этаётган моделлар дилбар аёлларимизга ва ажойиб газламалар тўқитган Марғилон ипақ ишлаб чиқариш чеварларига маъқул келса, республика мода маркази иждоқорлари ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишга, деб ҳисоблайдилар.


ОИЛА ДАВРАСИДА: болаларингизни фикрлашга ўргатинг

Иккита касалванд ит расми чизилган. Шундай тўртта чизиқ тортиш керакки, итлар дарҳол соғайиб, югуриб кетиши.

КУЛИШИШЯПТИМИ Ё УРИШИШЯПТИМИ?

Расмдаги масҳарабозлар бир қарасанг апоқ-чапоқ, бир қарасанг уришишади. Ҳамиша шундай: бир текис ё урушуглик, ё ярашуглик кўриш қийин.

Шунинг учун расом уларни шундай чизганки, унга қараб, апоқ-чапоқликларини кўрасиз... Расми юқоридан пастига айлантисангиз — яна уришишаётганини кўрасиз.



Илми нуҷум талқинларини давом эттириб, бу ҳафтадаги баъзи ҳодисотлар тўғрисида қандай фикрлар билдирилганини айтиб ўтамиз.

ДАЛВ (20.01—18.02) ойи фарзандлари учун бу ҳафта омадли ҳафта ҳисобланади. Қўл урилган барча амаллар муваффақиятли тугаши кутилади. Хусусан, муҳаббат ва кишилар қалбига йўл топиш бўйича кунлар омадли келади. Молиявий соҳадаги ишлардан ҳам ютуқларга эришиш мумкин. Бу ойда таваллуд топганларга ҳафта мобайнида кўпроқ хайрия ишлари билан шуғулланиш барча ютуқларига кафи бўлади.

ХУТ (19.02—20.03) ойи фарзандлари учун бу ҳафтанинг дастлабки икки кун наҳс аралаш, қолган кунлари эса омадлидир. Шунинг учун ҳафтанинг аввалида ҳар қандай ишга киришишдан тийилиб турган маъқулроқ. Қолган кунларда эса, режаланган барча ишларни бемалол бошлаш ва давом эттириш мумкин.

Бу кунларда катта бурилишларга сабаб бўладиган ҳаётий ўзгаришлар кутилади. Масъул ўзгаришлар оилада, ё маҳаллада, ёки иш жойида юз бериши мумкин. Ҳафта ниҳоясига бориб савдо-сотик ишлари юришиб, яхши натижалар беради. Шу кунлари қилинган хайрия ишлари баъзи нохушликларнинг олдини олади.

ҲАМАЛ (21.03—21.04) ойи фарзандлари учун бу ҳафта ичи кутилмаган ишлар содир бўлади. Хусусан, улар оилада бир неча марта қувончли воқеаларга шохид бўлишлари мумкин. Аммо иш жойида айрим кўнгилсизликлар юз бериши мумкин. Иложи борица бирон-бир кишининг кўнгилни оғритмаган маъқул. Ҳафта охиригача мансабдорлар хузурига кирмаслик керак.

САВР (22.04—20.05) ойи фарзандлари учун бу ҳафта омадли ва наҳс кунлар аралашдир. Онлавий ҳаётда жуда эҳтиёткор бўлмоқ дар-

кор. Зеро озгина ноҳўя ҳаракат катта жанжалга сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳафтада иш жойида катта муваффақиятларга эришиш кутилади. Ҳатто кўлга катта маблағ тулиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин ичкилик ичишга берилиш эришилган ва эришилажак барча ишларни барбод қилиши ҳам ҳеч гапмас.

ЖАВЗО (21.05—21.06) ойи фарзандлари учун ҳафта ичи сафарга чиқиш фойдали. Имкон борича савдо-сотик билан шуғулланмаган маъқул. Чунки ушбу кунлар молиявий жиҳатдан омадсизлик келтира-

ди. Мансабдорлар қабулига кириш эса яхши натижа беради. Ота-онани зиёрат қилиш, кўнгилни олиш ўз вақтидаги энг савобли иш ҳисобланади.

САРАТОН (22.06—22.07) ойи фарзандлари учун масъул ҳафта наҳс саналади. Шунинг учун бирон ишни бошламаган маъқул. Севги ва муҳаббат бобида ҳам ошқимаслик зарур. Катталарнинг қабулига киришдан ҳам ўзини тийиб тургани дуруст. Катта тўй-ҳашам ва маросимларга қатнашмаслик билан ҳар ким ўзини хавф-хатардан эҳтиёт қилмоғи маъқул. Қисқаси, ҳафта охиригача ўзаро қанчалик хушмуомала ва ширинсўз, бева-бечораларга раҳмдил бўлсалар ҳаётлари шунчалик тинч ва осойишта ўтади.

АСАД (23.07—22.08) ойи фарзандлари учун бу ҳафта турли ҳоди-

Илми нуҷум талқинлари

саларга бой ва қизиқарли бўлади. Кўпроқ яхшиликлар келиши кутилади. Хусусан, муҳаббат ва оилавий ҳаёт бобида катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Иш жойларида режалар осонликча ҳал бўлиши кутилади. Янги кийимлар кийиш, илмлик кишилар билан мулоқотда бўлиш ҳам хайрли ишлардан ҳисобланади. Узоқ вақтлардан бери ҳал этилмаётган ишлар эса бу

тугайди. Иш жойида ўзгаришлар юз бериб, мансаблари юқорилашиши ёки рағбатлантирилиши билан боғлиқ ишлар амалга ошириш кутилади.

АҚРАБ (23.10—21.11) ойи фарзандлари бу ҳафта ичида савдо-сотик ишлари билан шуғулланмаганлари маъқул. Сафарга чиқмаслик, севи-муҳаббат бора-сида ҳам шомша-шошарликка берилмаслик мақсадга мувофиқдир. Бошлиқлар олдида киришдан ҳам фойда йўқ. Фақат оилавий муаммоларни ҳал қилиш, ота-она, қариндош-уруғлар зиёрати билан машғул бўлиш ҳар жиҳатдан хайрлидир.

ҚАВС (22.11—21.12) ойи фарзандлари учун катта-катта ишларни бошлашга киришмоқ маъқул. Зеро, ҳафта сўнгида яхши ниятларга эришиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳафта ичида оилаларда ҳам қувончли воқеалар содир бўлиши, энг муҳими, кўп вақтдан бери кутилган бахтли онларга эришиш кутилади. Аммо эрининг-хотинга ва хотиннинг-эрга ҳиёнат қилиши билан боғлиқ айрим жиҳатлар кутилаётган бахт йўлини тескарисига буриб юбориши ҳеч гап эмас.

ЖАДДИ (22.12—19.01) ойи фарзандлари учун бу ҳафта сафарга чиқиш, бошлиқлар қабулига кириш, севи ва муҳаббат билан боғлиқ ишларга кўп жиҳатдан маъқул даврдир. Молиявий ишларда ҳафтанинг охирига бориб яхши натижаларга эришилади. Иш жойида бошлиқ, биродарлараро меҳр-оқибат ривож топади. Ҳафтанинг энг қувончли воқеаси ҳам иш жойида содир бўлади. Бу ҳафта ичи кечалари юришдан ўзини сақламоқ даркор. Чунки нохушликлар юз бериши эҳтимол қилинур. Валлоху аълам.

ЖАДДИ (22.12—19.01) ойи фарзандлари учун бу ҳафта сафарга чиқиш, бошлиқлар қабулига кириш, севи ва муҳаббат билан боғлиқ ишларга кўп жиҳатдан маъқул даврдир. Молиявий ишларда ҳафтанинг охирига бориб яхши натижаларга эришилади. Иш жойида бошлиқ, биродарлараро меҳр-оқибат ривож топади. Ҳафтанинг энг қувончли воқеаси ҳам иш жойида содир бўлади. Бу ҳафта ичи кечалари юришдан ўзини сақламоқ даркор. Чунки нохушликлар юз бериши эҳтимол қилинур. Валлоху аълам.

ЖАДДИ (22.12—19.01) ойи фарзандлари учун бу ҳафта сафарга чиқиш, бошлиқлар қабулига кириш, севи ва муҳаббат билан боғлиқ ишларга кўп жиҳатдан маъқул даврдир. Молиявий ишларда ҳафтанинг охирига бориб яхши натижаларга эришилади. Иш жойида бошлиқ, биродарлараро меҳр-оқибат ривож топади. Ҳафтанинг энг қувончли воқеаси ҳам иш жойида содир бўлади. Бу ҳафта ичи кечалари юришдан ўзини сақламоқ даркор. Чунки нохушликлар юз бериши эҳтимол қилинур. Валлоху аълам.

ФРАНЦУЗ ҲАНГОМАЛАРИ

Ақли занфлар шифохонасининг бош врачига бир аёл мурожаат қилибди:

— Жаноб, ўз миждозларингизни қандай билиб қоласиз?

— Уларга савол бераман, — дебди бош врач, — саволимга қандай жавоб беришларига қараб хулоса чиқараман.

— Масалан, қандай савол берасиз?

— Капитан Жеймс Кук ўз кемаси билан ер юзини уч марта айланиб чиққан. Шундай сафаридан бирида ҳалок бўлган. Қайси айланишида ҳалок бўлганини айтиб беролмайсизми, дейман.

Аёл ўйланиб туриб деди: — Рост айтсам доктор, шу нарсани мен ҳам билмас эканман...

Биринчи синфда дарс кетяпти. Уқитувчи ўртага савол ташлайди.

— Қани “Ж” ҳарфига ким сўз топади?

Питер қўл кўтариб жавоб қилди:

— Жўжа.

— Қойил! Қани, яна ким топади?

— Ҳамма жим. Яна Питер қўл кўтаради.

— Яна нима дейсан, Питер?

— Яна битта жўжа!

Гандираклар бораётган маст тасодифан симеғочга бошини уриб олади. Пешонасидаги гуррасига яна биттаси қўшилади. Шунда ёнидан ўтиб кетаётган кишига мурожаат қилиб:

— Ҳой, оғайни: — дейди у, пешанамдаги гурралар қанча бўлганини айтиб юбор.

— Ўн битта.

— Раҳмат. Демак, уйим-гача яна битта симеғоч қолибди-да...

Иккита кар киши учрашиб қолишибди. Бирининг қўлида қармоқ.

— Ҳа, балиқ овигами?

— Йўқ, балиқ овига, — жавоб қилибди иккинчиси.

— Э, шунақаи, мен бўлсам балиқ овигами, деб ўйлабман...

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УОШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир

Саидқром САИДВАЛИЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Тургунбой МАДИЕВОВ,
Тургун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайе ТўЛАГАНОВА,
Раъво УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89

• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79

• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63

• Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10

Бухорода — 3-50-10

Гулистонда — 2-24-98

Жиззахда — 2-31-41

Навоийда — 3-52-99

Наманганда — 6-22-10

Нукусда — 2-44-46

Самарқандда — 35-64-22

Термизда — 2-70-07


Тошкентда — 56-82-79

Фарғонада — 4-28-29

Урганчда — 6-03-40

Қаршида — 5-33-71

• Мухарририятга келган қўлэмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.



• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

• СОГУВДА эркин нарҳда.

• Жума кунлари чиқади.

• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:

Замира ТўЛАГАНОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,

«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

• Буюртма Г-0030.

1 2 3 4 5 6